

الحكم تقود إلى السعادة

الجزء التاسع

«Хикматлар – саодатга етаклар»

Тўққизинчи китоб

Тузувчи ва таржимон:
Анвар Аҳмад

Тошкент:
2015 йил

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

ТАҚДИМ

Ўзининг илоҳий ҳикмати ила инсонни ҳикматга қобилиятли ва мойил қилиб яратиб, бу билан уни бошқа махлуқотлардан имтиёзли қилган, унга Ўз даргоҳидан ҳикматлар илҳом этган, энг олий ҳикматларни ваҳий қилиб юборган, ҳар бир иши ҳикматли бўлган Ҳақим Зот – Роббимиз Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога Ўзининг ҳикматлари кўламича ҳамду санолар бўлсин!

Ҳақим Зотнинг энг ҳақим бандаси, инсониятга ҳикматни – суннатни ўргатган, ўлмас ҳикматлар қолдирган, бутун ҳаёти тўлалигича ҳикмат бўлган, башариятнинг ҳақими, севиқли Расулимиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламга айтган ҳикматлари ададича салавоту саломлар бўлсин!

Ҳикматга ошиқ бўлган, қалблари ҳикмат нурига тўлган, бутун ҳаётини ҳикмат асосида қуришга интилан ҳикматли бандаларга Аллоҳнинг ризоси ва раҳмати бўлсин!

Аллоҳ таоло инсонни бошқа мавжудотларни яратганидек, «Бўл!» деган амр билан эмас, балки Ўз кўли билан яратиб, унга Ўз ҳузуридан руҳ пуфлаган. Шунинг учун инсон бошқа бирор жонзотда топилмайдиган хусусиятларга эга бўлди. Инсонни бошқа махлуқотлардан фарқлаб турадиган ана шундай хусусиятларидан бири – унинг ҳикматга ошнолигидир. Инсоннинг ҳикматга бўлган интилиши ундаги ақл жавҳарига бевосита боғлиқдир. Аммо ҳикмат инсоннинг фақатгина ақлий қобилиятининг маҳсули эмас. У кўпроқ руҳнинг маркази бўлмиш қалбга боғлиқдир. Бошқача қилиб айтганда, унинг булоғи ҳам қалб, сингадиган ўрни ҳам қалбдир. Инсоннинг қалби қанчалик мусаффо бўлса, ҳикматга шунча кўпроқ мойил бўлади, уни яхшироқ сингдиради ва ўзи ҳам аста-секин ҳикмат булоғига айланиб боради. Ана шундай қалб эгаси ҳақим дейилади.

Хўш, ҳикмат ўзи нима? Унинг мазмун-моҳияти нимадан иборат?

«Ҳикмат» арабча сўз бўлиб, «мустаҳкамлик», «ман қилиш», «донишмандлик», «оқилоналик», «хукм» маъноларини билдиради. Уламолар ҳикматга турлича таъриф берганлар.

Ибн Мурдавайх Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан нақл қилади: «Ҳикмат – ақл, фаҳм ва топқирликдир».

Роғиб айтади: «Ҳикмат – илм ва амалда ҳақиқатни топишдир».

Абу Ҳайён айтади: «Ҳикмат – одамлар ваъз оладиган, ўзларига танбех оладиган ва бир-бирларига айтиб юрадиган мантиқдир».

«Ал-Муъжамул-васит» китобида шундай дейилади: «Ҳикмат – энг афзал илмлар асосида ишларнинг энг афзалини билиш, тушуниб етишдир».

Ҳақимларнинг кўплари ҳикматга қуйидагича таъриф беришади: «Ҳикмат – нарсаларнинг ҳақиқатини инсоннинг имконияти етадиган даражада асл ҳолида билишдир».

«Ҳикмат» сўзи бизнинг тилимизда ҳам юқоридагига яқин маъноларда ишлатилади. Донишмандликка, оқилона гап-сўзларга, иш-ҳолатларнинг сир-асрорларига нисбатан ҳам айнан ҳикмат сўзи қўлланилади.

Инсоният тарихида ўзининг ҳикматли гаплари билан ном чиқарган биринчи зот Довуд алайҳиссалом ҳисобланадилар. Ҳикмат билан танилган, ҳақимларнинг устози деб тан олинган буюк шахс – Лукмон Ҳақим ҳам Довуд

алайҳиссаломнинг шогирди ҳисобланади. Аллоҳ таоло Қуръони Каримда Лукмон Ҳаким ҳақида шундай дейди:

«Батаҳқиқ, Биз Лукмонга Аллоҳга шукр қилгин дея ҳикматни бердик. Ким шукр келтирса, фақат ўзи учун шукр келтиради. Ким куфр келтирса, албатта, Аллоҳ Ғаний ва мақтовга сазовор Зотдир» (Лукмон сураси, 12-оят).

Аллоҳ таолонинг Лукмонга ҳикмат неъматини берганини алоҳида таъкидлаши, унинг ҳақимлигини мақташи, айрим ҳикматли сўзларини сиз билан бизларга насихат ўлароқ келтириши, Қуръони Каримдаги бир сурани унинг номи билан аташи – барча-барчаси Аллоҳ таолонинг ҳузурида ҳикматнинг нақадар юксак эътибори борлигини кўрсатади.

Аллоҳ субҳанаху ва таоло Қуръони Каримда пайғамбарлик вазифаларидан бири – кишиларга ҳикматни ўргатиш эканини очиқ айтиб кўйган:

«Шунингдек, ичингизга ўзингиздан, сизларга оятларимизни тиловат қиладиган, сизларни поклайдиган, сизларга китобни, ҳикматни ва билмайдиган нарсаларингизни ўргатадиган Расул юбордик» (Бақара сураси, 151-оят).

Ҳа, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг пайғамбарлик ҳаётидаги асосий вазифаларидан бири инсонларга ҳикматни ўргатиш бўлган. У зотнинг суннатлари тўла ҳикматдир. Сўзлаган сўзлари ҳам, қилган ишлари ҳам, ҳатто сукутлари ҳам ҳикматдан иборат эди. Шу боис, муфассир уламоларимиз оятдаги «ҳикмат»ни «суннат» деб тафсир қилганлар. Дарҳақиқат, ҳикматнинг энг олий намуналари Набий соллalloҳу алайҳи васалламнинг суннатларида акс этган.

Ҳикмат деганда биринчи бўлиб инсоннинг ўз Яратувчисини таниши тушунилиши лозим. Имом Ғаззолий айтади: «Ҳамма нарсани билган, лекин Аллоҳни танимаган кишини ҳақим деб бўлмайди, чунки у энг улуғ ва энг афзал маърифатдан маҳрумдир».

Ҳикмат инсоннинг ҳаётини тартибга солишга, унинг осойишта, сермазмун ва сермахсул ҳаёт кечиришига, хато-камчиликлардан, тойилишлардан холи бўлишга хизмат қилувчи юксак билимдир. Ҳикмат инсоннинг ақлини чархлайди, заковатини оширади. Ҳикмат билан иш тутиш инсоннинг оиладаги, жамиятдаги, ҳатто ўз наздидаги мартабасини кўтаради. Ҳикматлар инсонга ҳаёт тажрибасининг тайёр хулосасини тақдим қилади.

Бир ҳақимдан: «Инсон бир неча юз йил умр кўриши мумкинми?» деб сўрашибди. У: «Ҳа», деб жавоб берибди. «Қандай қилиб?» дейишибди. Шунда ҳақим: «Китоб ўқиб. Китоб бир инсоннинг бир неча йил, балки бир умрлик тажриба ва билимларининг хулосаси ўлароқ дунёга келади. Уни ўқиган киши ўшанча умр кўрган ҳисобланади», деб айтган экан.

Инсонга ана шундай асрларга татиғулик умр бахш эта олувчи китоблар ичида энг қимматлиси, шубҳасиз, ваъзу-ҳикматга доир асарлардир. Бинобарин, ҳикматларни ўзига сингдира билган одам минг йиллаб умр кўргандек тажрибага эга бўлади. Зеро, айрим ҳикматлар бутун бир инсон умрининг хулосаси ўлароқ дунёга келган. Бундай ҳикматларни ўрганган киши ўша ҳикматларни айтган инсонларнинг умрича ҳаёт кечиргандек бўлади.

Ислом уммати ҳикматни ўрганишга, уни ҳаётда акс эттиришга, ҳар бир иш ортидаги ҳикматларни очиб беришга қадимдан интилиб келган. Жумладан, улуғ аждодларимиз ҳам ҳақиқий ҳикматпарвар, ҳикматга шайдо инсонлар бўлишган. Шунинг учун ҳам улуғ бобокалонларимизнинг илмий меросларида

дунёдаги энг гўзал ҳикматлар акс этган. Бунинг натижаси ўлароқ, халқимизда ҳикматли сўзларга бўлган қизиқиш бошқа халқларга қараганда анча юқори даражада туради. Ушбу ҳақиқатни яхши англаган устоз Анвар Аҳмад жаноблари араб адабиётларидан юзлаб ҳикматларни тўплаб, уларни ўзбек тилига таржима қилиб, **www.arabic.uz** сайтининг «Тасвирдаги ҳикматлар» бўлимида мунтазам бериб боришни йўлга қўйдилар. Бундан кўпчилик ўқувчилар мамнун бўлишди, кўплаб яхши фойдалар олишди. Бу олқишлардан илҳомланган муҳтарам таржимонимиз интернет оламига сайр қилиш имкони бўлмаган ўқувчиларга ҳам ушбу гавҳарлардан бахраманд қилиш ниятида мазкур ҳикматларни рисола шаклида чоп этишга қарор қилдилар. Қўлингиздаги китобча ушбу хайрли ишда қўйилган илк қадам, ўзига хос дебочадир.

Бугунги кунда маълумот ўқиш учун турли замонавий воситалар беҳад кўпайиб, оммалашиб, қулайлашиб, ўқувчиларни ўзига ром этган бўлса-да, китоб ўзининг қийматини йўқотгани йўқ. Китоблар барибир илм-маърифат манбаи ўлароқ китоб расталарини тўлдириб турибди. Дарҳақиқат, китобнинг ўрни бошқа. Ундан фойдаланиш учун электр токи, бирор жиҳоз ва шунга ўхшаш омиллар шарт эмас. У қачон қўл чўзсангиз, «Лаббай!» деб келадиган, то сиз зериккунингизча сиздан аримайдиган энг вафодор дўстдир, суҳбатдошдир. Ана шу эътибордан, таржима қилинган ҳикматларни китоб шаклида тақдим этилишини қўллаб-қувватлаш лозим.

Ушбу рисоладаги ҳикматлар маълум бир соҳага чекланмаган бўлиб, эркин мавзудадир. Унда инсоннинг Аллоҳ таоло билан бўладиган муносабатлари, бошқа инсонлар билан бўладиган алоқалари ҳамда ички оламини назорат қилиш, кишининг ўз-ўзини тарбиялашига доир хилма-хил ҳикматлар мавжуд. Уларда саҳобаи киромлардан тортиб, бугунги кундаги донишманд инсонларнинг кўплаб қимматли фикр-мулоҳазалари ўз ифодасини топган. Ҳар бир ҳикматга махсус расм ишланган. Китобчадан кўзланган мақсадлардан бири – араб тилини янги ўрганган кишиларда таржима малакасини ошириш бўлгани боис, аввал суратларда ҳикматнинг арабча матни берилиб, таржима сурат остида тақдим этилган. Бу ҳам яхши бир услуб: ўқувчи таржима қилишни ўрганиш билан бирга энг қимматли ва сара маълумотларга, илм-маърифатга эга бўлади.

Ҳикматларнинг кўпи халқ оғзаки ижодига айланиб улгургани учун кўп ўринда уларнинг муаллифи шахсан кўрсатилмаган. Аммо таржимонимиз омонат сифатида, уларни асосан қуйидаги интернет саҳифаларидан олинганини айтади:

- 1) ثقّف نفسك
- 2) كلام من القلب
- 3) حذ الحكمة
- 4) بستان الحكماء
- 5) ثقافة حول العالم
- 6) الموسوعة بوك
- 7) ثقافة وعلوم
- 8) حكمة اليوم
- 9) عجائب وغرائب حول العالم
- 10) أقوال أعجبتني

11) كنوز من الحكمة

12) ذكر الله

13) عذب الكلام

14) عالم الثقافة والمعرفة

Ҳикматларни таржима қилишда имкон қадар ўрғача йўл тутишга ҳаракат қилинган: бир йўла матнга ёпишиб олиб, айнан сўзма-сўз таржима қилишдан ҳам, матнни бир четга қўйиб, умумий маънони таржима қилишдан ҳам қочилган. Зеро, таржима тамоман сўзма-сўз бўлиб қолса, тил ўрганувчиларнинг малакасини ошира олмайди, натижада ўқувчи ғализ ва тор таржима қилишдан нарига ўта олмай қолади. Агар умумий мазмунни ўгиришга ўтилса, бунда ҳам ўқувчида таржима маҳорати шаклланмайди, матнни тўлиқ эмас, балки хулоса шаклида таржима қиладиган ва қоидаларни ишлата билмайдиган бўлиб қолади. Агар ўқувчиларимиз ушбу таржимадан ва ундаги маънолардан озгина бўлса-да фойда олсалар, мақсадга етган бўламиз.

Аллоҳ талодан ушбу камтарона уринишни Ўз даргоҳида хусни қабул айлаб, барча китобхонларимиз учун манфаатли қилсин. Муҳтарам таржимонимиз Анвар Аҳмад жанобларига оилавий бахт-саодат, сўнмас ғайрат, ижодий ишларига барака ато этсин.

Ушбу «**Ҳикматлар – саодатга етаклар**» "الحكم – تقود إلى السعادة" китобининг кейинги қисмларини ҳам китобхонларга тез кунларда, янада юқорироқ савияда тақдим этиб боришларида Ўзи мададкор бўлсин.



1778. Ким Қуръон ўқиб юрса, Аллоҳ унга шундай бир қувват ато қиладики, унинг қалби одамлардан етадиган жароҳатни кўтара оладиган, улардан етадиган заҳматни табиий деб қарайдиган бўлиб қолади. Улардан содир бўладиган камчиликни оддий иш деб қабул қилади.

Сўнгра уларни кўрмайди, лекин Аллоҳни кўради.



1779. Бир қиз шундай деди: «Тор, калта кийим кийиб, пардоз-андоз қилиб юрган пайтларимда ҳамма йигитлар мени қўлга киритиш орзусида эди, тинмай севги изҳор қилишарди. Узун, оддий кийим кийганимда эса бирор йигит менга назар солганини кўрмадим. Билдимки, арзон матонинг харидори қўп бўлар экан. Қиммат матога эса уни сотиб олмоқчи бўлганларгина назар солар экан».



1780. Шайх Абдулқодир Жийлоний қоддасаллоҳу сирроҳу айтдилар:
«Дунёни қалбингиздан қўлингизга чиқаринг. Шунда у сизларга зарар бермайди. Нафсинг билан курашиб, уни тоат-ибодат билан қатл қилсанг, унга ҳаёт ато қилган бўласан. Нафсингни ҳурмат қилиб, Аллоҳ йўлида уни (гуноҳдан) қайтариб турмасанг, уни ҳалок қилган бўласан».



1781. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уйларига кундузи қайтсалар, «Алҳамдулиллаҳиллазий кафааний ва аавааний, валҳамдулиллаҳиллазий атғаманий ва сақоний, валҳамду лиллаҳиллазий манна ьалайя, ас`алука ан тужийроний минан наар» (Менга бошпана бериб, беҳожат қилган, едириб-

ичирган ва қўп неъматлар инъом этган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Мени дўзахдан сақлашинги сўрайман) дер эдилар.

Ибн Сунний заиф иснод билан ривоят қилган.

Имом Молик «Муваддоъ» китобида «Киши ўзи яшамайдиган уйга кирганида «Ассаламу ʼалайна ва ʼалаа ʼабадиллааҳис солиҳийн» (Бизга ва Аллоҳнинг солиҳ бандаларига салом бўлсин) дейиш мустаҳабдир», деган.



1782. Ибн Аббос розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам кечаси турсалар, таҳажжуд ўқир, сўнг ушбу дуони айтар эдилар:

«Аллоҳумма, Роббанаа! Лакал ҳамд! Анта қоййимус-самааваати вал-арзи ва ман фийҳинна ва лакал ҳамд! Лака мулкус-самааваати вал-арзи ва ман фийҳинна ва лакал ҳамд! Анта нуурус-самааваати вал-арзи ва ман фийҳинна ва лакал ҳамд! Антал ҳаққу, ва ваъдукал ҳаққ, ва лиқооука ҳаққ, ва қовлука ҳаққ, вал-жаннату ҳаққ, ван-наару ҳаққ, ва Муҳаммадун ҳаққ, вас-саъяту ҳаққ. Аллоҳумма, лака асламту, ва бика аманту, ва ʼалайка таваккалту, ва илайка анабту, ва бика хоосамту ва илайка хаакамту, фағфирлий маа қоддамту ва маа аххорту, ва ма асрорту ва ма аъланту. Антал муқоддим ва антал муаххир, лаа илааха илла ант» (Аллоҳим, Раббим, Сенга ҳамд бўлсин! Сен осмонлару ерни ва ундаги нарсаларни қоим қилувчисан, Сенга ҳамд бўлсин! Осмонлару ер ва ундаги нарсалар Сенинг мулкингдир, Сенга ҳамд бўлсин! Сен осмонлару ер ва ундаги нарсаларнинг нурисан, Сенга ҳамд бўлсин! Сен ҳақсан, ваъданг ҳақдир, Сенга йўлиқини ҳақдир, Сўзинг ҳақдир, жаннат ҳақдир, дўзах ҳақдир, Муҳаммад алайҳиссалом ҳақдирлар, қиёмат ҳақдир. Аллоҳим, Сенга бўйсундим, Сенга иймон келтирдим, Сенга таваккул қилдим, Сенга қайтдим, Сенинг мададинг ила хусуматлашдим, ҳукм чиқариши ҳам Сенинг қўлингдидир. Олдингию кейинги, махфию ошкора гуноҳларимни мағфират қил. Сен энг аввалги ва энг охирисан. Сендан бошқа илоҳ йўқ).

Имом Бухорий ва Муслим ривоят қилган.



1783. Роббим! Ўзимни яхши кўрганимдек, бошқаларни ҳам яхши кўришни ўргат! Одамларни ҳисоб-китоб қилганимдек, ўзимни ҳам ҳисоб-китоб қилишни ўргат!



1784. Эй қабрим ёнида турган одамзод, менинг ҳолатимга ҳайрон бўлма. Мен ҳам эдим сендек, сен ҳам бўласан мендек...



1785. Солиҳ салафлардан бири: «Аллоҳ сени Ўзининг Зикрига муваффақ қилган бўлса, билгинки, Аллоҳ сени яхши кўрар экан», деган экан.



1786. Анас розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ҳожатхонага кираётганларида «Аллоҳумма, инний аъузу бика минал хубси вал хобааис» (Аллоҳим, эркак ва аёл шайтоннинг ёмонлигидан Ўзинг паноҳ бер) деб дуо ўқир эдилар».

Имом Бухорий ва Муслим ривоят қилган.

Имом Термизий, Абу Довуд, Насайларнинг ривоятларида «Бисмиллаах. Аллоҳумма, инний аъузу бика минал хубси вал хобааис», дейилган.



1787. Ибн Умар розияллоху анхудан ривоят қилинади:
«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ҳожатхонага кирсалар,
«Аллоҳумма, инний аъузу бика минар-рижсин-нажаси, ал-хобийсил мухбиси, аш-шайтонир рожийм» (Аллоҳим, кирдан, нажасдан, ифлосдан, ифлослик қилувчидан ва қувилган шайтондан Ўзинг паноҳ бер) дер эдилар.
Ибн Сунний ва Табароний ривоят қилган.



1788. Гуноҳларингиз денгиз кўпигича бўлса ҳам кечирилиши мумкин.
Қандай дейсизми?

Марҳамат қилиб, «Субҳааналлоҳи вабиҳамдих» (Аллоҳни ҳамди ила поклайман) деб юз марта айтинг.

Сизга Аллоҳнинг ўзи кифоя бўлиб, ғам-ташвишдан халос этади. Қандай дейсизми?

Марҳамат қилиб, «Ҳасбияллоҳуллазий лаа илааҳа иллаа ҳу, ʼалайҳи таваккалту ва ҳува Роббул ʼаршил ʼазийм» (Аллоҳнинг Ўзи кифоя. Ундан ўзга илоҳ йўқ. Унга таваккул қилдим. У Зот улуг арининг Роббидир) деб етти марта айтинг.

Аллоҳ сиздан рози бўлади. Қандай дейсизми?

Марҳамат қилиб, «Розийту биллааҳи Роббан, ва бил Ислаами дийнан, ва би Муҳаммадин соллаллоҳу алайҳи васаллама Росуула» (Аллоҳни Робб деб, Исломни дин деб, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни Расул деб рози бўлдим), деб уч марта айтинг.

Мингта яхшиликни қўлга киритиб, мингта ёмонликнинг қандай ўчирилишини биласизми?

Марҳамат қилиб, «Субҳаналлоҳ» деб юз марта айтинг.



1789. Унутилган суннатлардан бири – таҳорат билан ухлашдир.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Баро ибн Озиб розияллоҳу анҳуга: «Қачон ётадиган жойингга келсанг, намозга оладиган таҳоратинг каби таҳорат қил. Сўнгра ўнг томонингга ёнбошла», деганлар.

Абу Довуд ривоят қилган.



1790. Бир куни умавий халифалардан бири Сулаймон ибн Абдулмалик аъён ва аскарлари билан кетаётган эди. Оддий халкнинг ичидан бир киши у билан гаплашишни хохлаб қолди. Жулдур кийимидан камбағаллиги кўришиб турарди. У бор овози билан бақириб, мулозимлардан амир билан гаплашишга изн сўради. Мулозимлар эса уни ҳайдаб қолишди. Шунда халифа Сулаймон уни кўриб, «Эй киши, сенга нима бўлди!» деди. Ҳалиги камбағал: «Эй мўминларнинг амири! Мен учун нега тўхтамадингиз!» деган эди, амир: «Ҳукм мажлиси бўлаётган эди. Ўзи сен нима хоҳлайсан?», деди.

Камбағал шундай деди: «Эй мўминларнинг амири! Бир чумоли Аллоҳнинг пайғамбари Сулаймондан тўхташни талаб қилганида, у зот тўхтаб, унга гапирган. Нима, мен Аллоҳнинг наздида чумолидан ҳам ҳақирманми? Нима, сиз Аллоҳнинг наздида Сулаймон пайғамбардан ҳам буюкмисиз?»



1791. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳожатхонадан чиққанларида «Ғуфронака» (*Мағфиратингни сўрайман*) дер эдилар, «Алҳамдулиллааҳиллазий азҳаба ʻаннил азаа ва ʻаафааний» (*Мендан азиятларни кетказиб, офиятда қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин*), дер эдилар.

Аввалгисини Абу Довуд ва Термизий, кейингисини Насай ва Ибн Можалар ривоят қилишган.



1792. Ибн Умар розияллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳожатхонадан чиқсалар, «Алҳамдулиллааҳиллазий азааконий лаззатаҳу ва абқо фийя қувватаҳу, ва дафаʻа ʻанний азааҳу» (*Мени таомнинг лаззатидан баҳраманд қилган, унинг қувватини қолдириб, азиятини мендан даф қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин*) дер эдилар.

Ибн Сунний ва Табароний ривоят қилган.



1793. Ҳар бир ҳолатингда Аллоҳ билан бирга бўлишингдан кўра бардавом, бахтлироқ ва улканроқ бирор кадр-қимматли нарса йўқ. Зеро, У Зот сени хидоятга бошлаб, сендан рози бўлади.



1794. Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анху: «Неъмат шукрга олиб боради. Шукр эса кўпайиш билан боғлиқдир. Бандадан шукр узилиб қолмас экан, Аллоҳдан зиёда қилиш узилиб қолмайди», дедилар.



1795. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Қиёмат куни семиз ва баҳайбат бир киши келади, ваҳоланки Аллоҳнинг наздида пашша қанотичалик вазни бўлмайди. Хоҳласангиз, «Қиёмат куни уларга ҳеч қандай вазн бермасмиз»ни ўқинг» (Қаҳф сураси, 105-оят).

Имом Бухорий ривоят қилган.

Аллоҳим, тарозумизни розилигинг билан оғир қилгин!



1796. Умар ибн Хаттоб розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам дедилар: **«Ким таҳорат қилиб бўлиб, «Ашҳаду аллаа илааха иллаллох, ваҳдаҳу лаа шарийка лах, ва ашҳаду анна Муҳаммадан ъабдуҳу ва росуулуҳу» деса, унга жаннатнинг саккизта эшиги очилади-да, хоҳлаганидан кираверади».**

Имом Муслим ривоят қилган.

Абул Фатҳ Наср Максидий шундай деганлар: «Бисмиллоҳдан кейин таҳоратнинг бошида қуйидаги дуони ўқиш мустаҳабдир: **«Ашҳаду аллаа илааха иллаллоху ваҳдаҳу лаа шарийка лах, ва ашҳаду анна Муҳаммадан ъабдуҳу ва росуулуҳу»** (Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Унинг шериги ҳам йўқ деб ва Муҳаммад соллаллоху алайҳи васаллам Аллоҳнинг бандаси ва Расули деб гувоҳлик бераман).



1797. Ибн Умардан ривоят қилинади:
«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:
«Ким таҳорат қилганидан кейин, ҳали гапирмай туриб «Ашҳаду аллаа илааха иллаллоҳ, ва ашҳаду анна Муҳаммадан ʼабдуҳу ва росуулуҳ» деса, икки таҳоратнинг орасидаги гуноҳлари кечирилади».
Бу ҳадисни Дора Кутний заиф иснод билан ривоят қилган.



1798. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Одам боласи ўлимдан қочгани каби ризқидан қочса ҳам, худди ўлим унга етиб олгани каби ризқи ҳам етиб олади».
Роббим, бизга покиза-ҳалол ризқ насиб қил!



1799. Банданинг қалбига Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ва у зотнинг суннатларига муҳаббат ўрнашса, Аллоҳ бу қалбни дунёда ҳам, охиратда ҳам азобламайди.



1800. Азонни эшитганингда «Аллоҳу акбар» калимаси янграса, билгинки, ана шу сўзнинг ўзи барча ғам-ғуссаларингни бартараф қилади. Аллоҳ сен тўқнаш келадиган барча қийинчиликлардан Буюқдир.



1801. Таҳорат пайтида ҳар бир аъзо ювилаётганда ўқиладиган дуолар бор. Аммо уларнинг бирортаси ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ворид бўлмаган. Лекин салаф уламоларимиз бу зикрларни айтишни мустаҳаб дейишган.

Таҳорат қилаётган киши бисмиллоҳдан кейин «**Алҳамдулиллааҳиллазий жаъалал маа`а тоҳууро**» (*Сувни покловчи қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин*), дейди.



1802. Усмон ибн Аффон розияллоху анхудан ривоят қилинган хадисда «Лаа илааҳа иллаллоҳ» калимасининг уч марта айтилиши келтирилган.


Ибн Сунний заиф иснод билан ривоят қилганлар.

Баъзи фақиҳлар ушбу зикр ва дуолар таҳоратдан кейин, қиблага юзланган ҳолда айтилади, дейишади.



1803. Жаннат дарвозасининг олдида, кириш учун изн берилишини кутиб туришинг энг бахтиёр онларингдир.


Аллоҳим! Ҳисоб-китобсиз, азобга дучор қилмай жаннатга насиб қил!



1804. Гўзал хулқли бўлсанг, дўзахдан омонликка чиқасан.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «Сизларга дўзахга ҳаром бўлган кишини айтайми?» деганларида, саҳобалар: «Ҳа, айтинг, эй Аллоҳнинг Расули», дейишди. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қалби юмшоқ, одамларга яқин, ҳожатбарор киши», дедилар.

Ибн Ҳиббон ривоят қилган.



1805. Тамаддунни яқсон қилиш учун китобларни ёқиб юбориш шарт эмас. Одамларни китоб ўқишдан тўхтатсанг, шунинг ўзи билан ана шу мақсадингга эришасан.



1806. Оғизни чайганда «Аллоҳуммасқиний мин ҳавзи Набиййика соллаллоҳу алайҳи васаллама каъсан лаа азмау баъдаху абада» (Аллоҳим, мени Пайгамбарингнинг ҳавзидаги сувдан ичиргинки, ундан кейин ҳеч қачон чанқамайин) дейилади.



1807. Бурун чайқаётганда «Аллоҳумма, лаа таҳримний роихата наъиймика ва жаннатик» (Аллоҳим, мени неъматларинг ва жаннатингнинг ҳидидан маҳрум қилма), дейилади.



1808. Ушбу уч дуони ҳар куни айтишни унутма:

– «Аллоҳумма, саббит қолбий ʻалаа дийник» (Аллоҳим, қалбимни динингда собитқадам қил);

– «Аллоҳумма, саббит қовлий ʻинда суʻолий» (Аллоҳим, сўроқ-саволда сўзимни собит қил);

– «Аллоҳумма, саббит қодамайя ʻалас сиротил мустақийм» (Аллоҳим, оёғимни тўғри йўлда собитқадам қил).



1809. Аллоҳдан қалбнинг торлигидан, қабр торлигидан ва ҳаёт торлигидан паноҳ тилайман.



1810. Муслима эканингни айтиб ўтирма, муслима эканингни кўрсатиб қўй!



1811. Юзни юваётганда «Аллоҳумма, баййиз важхий йавма табйаззу вужуух, ва тасвадду вужуух» (Аллоҳим, юзлар оқ ёки қора бўладиган Кунда юзимни ёруғ қил) дейилади.

Қўлни юваётганда «Аллоҳумма, аътиний китаабий бийамийний. Аллоҳумма, лаа туътиний китаабий бишимаалий» (Аллоҳим, номаи аъмолимни ўнг қўлимдан бер! Аллоҳим, номаи аъмолимни чап қўлимдан берма), дейилади.



1812. Бошга масҳ тортаётганда «Аллоҳумма, ҳаррим шаърий ва башарий ʼалан наар, ва азолланий таҳта ʼаршика йавма лаа зилла илла зиллук» (Аллоҳим, сочимни ва юзимни дўзахга ҳаром қил, мени соялар бўлмайдиган Кунда Аршинг остида соялантир) дейилади.



1813. Аллоҳим! Ким менга яхшиликни раво кўрса, уни менга, мени эса унга яқин қил!

Ким менга ёмонлик истаса, уни мандан, мени эса ундан йироқ қил!

Аллоҳим! Ким менга ёмонлик истаса, унинг устидан бандаларингни ҳукмрон қилиб қўй, ўзини ўзи билан, аҳли билан машғул қилиб қўй (ўзидан ортмайдиган қилиб қўй).

Эй оламларнинг Робби! Қудратинг ажойиботларини кўрсат!



1814. Аллоҳ йўлида ўзиб кетиш муҳим эмас, балки содиқлик муҳим!



1815. Дунё жуда қиска! Шундай экан, ота-онангга яхшилик қил, фарзларни адо эт, беморнинг ҳолидан хабар ол, атрофингдагиларни яхши кўришингни айтиб қўй, ёш болаларни хурсанд қил, етимга табассум қил, барчага кулиб қара! Балки хотимамиз яқиндир?



1816. Қулоқларга масх тортилаётганда «Аллоҳуммажъалний миналлазийна йастамиъунал қовла файаттабиъуна ахсанах» (Аллоҳим, сўзни эшитиб, яхшисига эргашадиганлардан қил) дейилади.



1817. Оёқларни юваётганда «Аллоҳумма, саббит қодамайя ғалас-сирот» (Аллоҳим, сирот кўпригида собитқодам қил) дейилади.



1818. Имом Бухорий: «Умид қиламанки, бирор мусулмонни ғийбат қилганим учун ҳисоб-китоб қилинмай Аллоҳга йўлиқаман», деганлар. Яна у зот: «Ғийбат ҳаром эканини билганимдан бери бирор кишини ғийбат қилмадим», деганлар.

Биз ҳам ана шу зотларга ўхшаймизми?



1819. «Яхши сўз ҳам садақадир» (Саҳиҳи Бухорий).
«Йўлдан озор берувчи нарсаларни олиб ташлаш ҳам садақадир» (Саҳиҳи ал-Жомеъ).

«Ҳар бир яхшилик садақадир» (Саҳиҳи Муслим).

«Яхшиликка йўллаб қўйиш уни қилиш билан тенгдир» (Саҳиҳи Термизий).

Сен ҳам яхшилик йўлида буни тарқатгин.




1820. Бир олимдан «Рамазондан олдин кимдан узр сўралади?» деб сўрашди. У зот шундай деди: «Нафсимга зулм қилганим, ғафлатда қолганим ва гуноҳларим кўп бўлгани учун Аллоҳдан узр сўрайман. Аллоҳ мени севиб, мендан рози бўлиши учун Рамазонда Ўзининг ҳузурда қабул этишини умид қиламан».



1821. Абу Мусо Ашъарий розияллоху анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламга таҳорат учун сув олиб бордим. У зот таҳорат қилиб бўлиб, ушбу дуони ўқидилар: **«Аллоҳуммағфирлий занбий, ва вассиъ лий фий даарий, ва баарик лий фий ризқий»** (Аллоҳим. гуноҳларимни кечир. Ҳовлимни кенг қил, ризқимга барака бер).

«Эй Аллоҳнинг Расули, сизнинг шундай-шундай деб дуо қилганингизни эшитдим», дедим. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: **«Бирор нарсани ўқимай ташлаб кетдимми?»** дедилар».

Насайй ва Ибн Сунний саҳиҳ санад билан ривоят қилишган.



1822. Агар ақл кетса, у билан бирга каромат ҳам кетади.



1823. Бу дунёдаги ҳамма нарса сени ташлаб кетади. Ёки сен уларни ташлаб кетасан. Лекин Аллоҳга боғлиқлик ундай эмас. Агар У Зот томон юзлансанг, сени бадавлат қилади. Тарк қилсанг, Ўзи сени чақириб олади. Қалбингнинг тўридан «Ё Роббим!» десанг бас...



1824. Бизни Ислом билан азизу мукаррам қилган, қалб кўзларимизни ҳақ ва иймон билан, башариятнинг афзали бўлмиш Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига эргашиш ила мунаввар қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин!



1825. «Эй Аллоҳнинг Расули! Ҳеч бир ойда Шаъбонда рўза тутганингизчалик рўза тутганингизни кўрмаймиз-а?» дейишди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Бу шундай ойки, у Ражаб билан Рамазон ойи оралиғи бўлгани учун одамлар ундан ғафлатда қолишади. Бу шундай ойки, унда амаллар оламларнинг Роббига кўтарилади. Амалларим рўзадор холимда кўтарилишини истайман».

Имом Насаий ривоят қилган.



1826. Билол розияллоху анху айтадилар:

«Расулulloҳ соллаллоху алайхи васаллам намозга чиқсалар, ушбу дуони ўқир эдилар: «Бисмиллаҳ. Ааманту биллаҳ, таваккалту ʔалаллоҳ. Лаа ҳавла ва лаа қуввата илла биллаҳ. Аллоҳумма, биҳаққис-соилийна ʔалайка ва биҳаққи махрожий ҳазаа, фаинний лам ахружху ашаран, ва лаа баторон, ва лаа рийа`ан ва лаа сумʔатан. Хорожту ибтиғоа марзоотик, ват-тиқоа сахотик. Ас`алука ан туʔийзаний минан наар, ва тудхиланий ал-жаннах» (Аллоҳнинг исми билан. Аллоҳга иймон келтирдим. Аллоҳга таваккул қилдим. Аллоҳдан бошқада ҳол ва қувват йўқ. Аллоҳим, сўровчилар ҳаққи ва чиқувчилар ҳаққи, мен кибр, куфр, риё ёки сумʔа учун чиққанам йўқ. Бу чиқишимдан мақсад розилигини истаиш, газабиндан қўрқиш, дўзадан паноҳ тилаб, жаннатга киришни сўрашдир).

Ибн Сунний бу ҳадисни заиф деганлар.



1827. Қалбларнинг давоси:

- Қуръон қироати.
- Тунни таҳажжуд билан бедор ўтказиш.
- Солиҳлар билан суҳбат.
- Хилватда (Аллоҳдан қўркиб) кўз ёш тўкиш.



1828. Бахтсизликдан кейин бахтли ҳаёт, кўз ёшидан кейин табассум келишига ишонсанг, жуда катта иш қилибсан! Буни Аллоҳдан яхши гумон қилиш дейдилар.



1829. Ёмон гумондан йироқ бўл, у қалбга озор беради.
– Доимий шак-шубҳадан йироқ бўл, у қалбни барбод қилади.
– Муболағали мақтовдан йироқ бўл, у ёлғон бўлади.
– Қиёслаб, солиштиришдан йироқ бўл, у зулмга олиб боради.



1830. Нафсим мени яхши ишларга ундабди, деб ўйлама. Аллоҳ яхши кўрган банда экансан, холос! Энди бу муҳаббат борасида камчиликка йўл қўйма, акс ҳолда Аллоҳ сени унутиб қўяди.



1831. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:
«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «**Ким таҳорат қилиб бўлиб, «Ашҳаду аллаа илааха иллаллох, ваҳдаҳу лаа шарийка лах, ва**

ашҳаду анна Муҳаммадан ʼабдуху ва росуулуху» деса, унга жаннатнинг саккизта эшиги очилади-да, хоҳлаганидан кираверади».

Имом Муслим ривоят қилган.

Термизий «Аллоҳуммажъалний минат-таввабийна важъалний минал мутатоҳҳирийн» (Аллоҳим, мени кўп тавба қилувчилардан қилгин, кўп покланувчилардан қилгин) калимасини зиёда қилган.



1832. Иблис Аллоҳдан то ҳисоб-китоб кунигача (инсонларни адаштиришга) муҳлат сўраган эди, Аллоҳ унинг илтимосини ижобат қилди. Ахир сен У Зотнинг биру борлигига гувоҳлик бериб, иймон келтиргансан, сенинг дуоингни ҳам ижобат қилар?!




لا فرق

بين عربي ولا أعجمي الا بالتقوى

1833. Араб билан ажамнинг тақвосидан бошқа фарқи йўқ.



1834. Рамазон ҳам тугашига оз қолди... Пойгачи отлар маррага етишига оз қолганда ғолиб бўлиш учун бор кучини ишга солар экан. Отлар биздан кўра доно, ақлли бўлиб чиқмасин!



1835. Бугунги кунда содир бўлаётган нарсалардан бири шуки, ҳамма зулмдан халос бўлишни сўраб, қўлини кўтариб дуо қиляпти. Лекин ҳамма ўзининг доирасида золим ва мустабид бўлгани учун дуоси ижобат бўлмайди. Дунё борган сари зулм кўрганларга ғарқ бўлиб бормоқда.


Доктор Мустафо Маҳмуд




1836. Ибн Аббос розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Холам Маймуна розияллоху анхонинг уйида тунаб қолиб, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг қуйидаги ишларига гувоҳ бўлдим: «Набий соллаллоху алайҳи васаллам муаззиннинг бомдодга айтган азонини эшитдилар, сўнг намозга кетаётиб, ушбу дуони ўқидилар: **«Аллоҳуммажъал фии қолбии нуурон, ва фии лисаниии нуурон, важъал фии самъии нуурон, важъал фии басории нуурон, важъал мин холфии нуурон ва мин амаамий нуурон, важъал мин фавқии нуурон ва мин тахтйи нуурон. Аллоҳуммаътинии нууро»** (Аллоҳим, қалбимда нур қил, тилимда нур қил, қулогимда нур қил, кўзимда нур қил, ортимдан нур қил, олдимдан нур қил, устимдан нур қил, остимдан нур қил! Аллоҳим, менга нур ато эт).

Имом Муслим ривоят қилган.



1837. Тўқнашувни мақсадга етишишнинг энг қисқа йўли дейдилар.



1838. Дунё ғамлари жуда кўпдир. Аммо шу ғамларни битта ғамга, яъни охират ғамига айлантириб олиш нақадар гўзал!

Ким бор ғамини охират ғамига қаратса, Аллоҳ унинг тарқоқ ҳолини жам қилади, ишларини осонлаштиради, бойлигини қалбида қилиб қўяди.



1839. Бу дунёда бошқаларни ўз шартларингга мажбурлаш учун яратилмагансан. Бировлардан солиҳликни талаб қилишдан олдин ўзинг намуна бўл, ўзингни тўғрилаб ол.




1840. Сахар пайтидаги дуо ва истиғфор туфайли ҳаётингда мўъжизалар содир бўлади.



1841. Абу Хумаиддан (ёки Абу Усайддан) ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: **«Қай бирингиз масжидга кирса, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга салом айтсин, кейин «Аллоҳуммафтахлий абваба роҳматик» (Аллоҳим, менга раҳмат эшикларингни оч) десин. Чикқанида эса «Аллоҳумма, инни ас`алука мин фазлик» (Аллоҳим, фазлингдан сўрайман) десин».**

Имом Муслим ривоят қилган. Лекин у зотнинг ривоятларида «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга салом айтсин», деган лафз йўқ. Ибн Сунний бу ривоятга «Аллоҳумма, аъизни минаш-шайтонир рожийм» (Аллоҳим, мени лаънати шайтондан сақла) жумласини зиёда қилган.



1842. Жаҳолатга ботган жамиятда динлар савдоси энг даромадли тижорат бўлиб қолади.

Ибн Рушд



1843. Ўлим тўғри йўлга тушиб олишингни кутиб ўтирмайди. Шунинг учун тўғри йўлга тушиб олгин-да, ўлимга тайёр тур.



1844. Хоҳлаганингни қил, лекин билиб қўй: нима қилган бўлсанг, бир кун келиб, ўзингга қайтади.

Зулм қилсанг, бир кун келиб сенга ҳам зулм қилинади.

Озор берсанг, бир кун келиб сенга ҳам озор берилади.

Ҳаққинг бўлмаган нарсани олсанг, бир кун келиб сенинг ҳаққинг тортиб олинади.

Эртага сенга нисбатан нима иш қилинишини хоҳласанг, ҳозироқ шуни қил.

Билиб қўй, жазо гуноҳнинг ўз жинсидан бўлади (қайси гуноҳни қилган бўлсанг, ўзингга ҳам худди шу гуноҳ қайтади).

Қилмишингга яраша жазо оласан!



1845. Мақсадимни тушунмасанг, уни ўз тилингда шарҳлама!



1846. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидга кирсалар, «**Аъзу биллаҳил ъазийм ва биважҳихил карийм ва султониҳил қодийм минаш шайтонир рожийм**» (Тошбўронлаб қувилган шайтоннинг шарридан улуг Аллоҳнинг қарамли важҳи ва қадим султони ила паноҳ сўрайман) дер эдилар. Мана шу дуо ўқилса, шайтон: «Бу одам бошқа кунларда ҳам мендан муҳофаза қилинди», дейди».

Абу Довуд ривоят қилган.



1847. Бу замонда ўзимизга ўхшаган инсонга муҳтож эмасмиз, Аллоҳнинг қурбатига муҳтожмиз, холос.



1848. Ихтиродаги энг муҳим нарса муваффақиясизликдан қўрқмасликдир.
Аҳмад Зувайл
Нобель мукофотига сазовор бўлган биринчи мусулмон олим




1849. Ҳамма нарсани унутиб, табассум қилсанг – мана шу Аллоҳга ишонувчи қалб дейилади.



1850. Қалбни ўлдирадиган, ғам-ташвиш чақирадиган, фикрни машғул қиладиган, шайтонни рози, Раҳмонни норози қиладиган ҳар бир гуноҳ учун буюк Аллоҳга истиғфор айтаман!



1851. Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади:
«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам масжидга кирганларида ҳам, чиққанларида ҳам «Бисмиллаах. Аллоҳумма, солли ʼалаа Муҳаммадин» (Аллоҳ номи билан. Аллоҳим, Муҳаммадга салават ёғдир) дер эдилар.
Ибн Сунний ривоят қилган.



1852. Ким суннатдаги одобларни маҳкам тутса, Аллоҳ унинг қалбини маърифат нури билан нурафшон айлайди. Ҳабибимизнинг амрлари, амаллари ва хулқларига эргашишдан кўра шарафли мақом йўқ.

Ибн Атоуллоҳ роҳимахуллоҳ.



1853. Шайх Шайровий ҳазратлари оммага дарс ўтаётиб, уларнинг олқишларидан қалбларида бироз ифтихор ва кибр-ҳаво ҳис этдилар. Дарс тугагач, уйга қайтиш учун уловга миндилар. Йўлда бир масжиднинг ёнидан ўтиб қолишди. Ҳайдовчиларига «Тўхта!» дедилар. Ҳайдовчи ҳайрон бўлиб, «Устоз, ҳали намозга бироз бор-ку», деди ва тўхтади. Шайх ҳазратлари уловдан тушиб, масжидга кирдилар. Масжиднинг таҳоратхонасига кириб, у ерни батамом тозаладилар, сўнг машинага қайтдилар. Буни кўрган ҳайдовчи: «Бу нима қилганингиз?» деди. Шунда шайх ҳазратлари: «Нафсим сал ғурурга кетиб қолган эди. Уни хорлаш учун шундай қилдим», дедилар.

Улуғ шайхимизни Аллоҳ раҳматига олсин!



1854. Ёш боладаги ихтиро ва кашфиёт ҳис-туйғусини барбод қилувчи энг хатарли иш – уни масхаралаб, ўртоқлари олдида хатосини юзига солишдир.



1855. Киши гуноҳ қилишда давом этаверса, уни енгил санайдиган бўлиб қолади. Мана шу ҳалокатга юз тутишнинг аломатидир.



1856. Абу Умома розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайхи васаллам дедилар: **«Бирортангиз масжиддан чиқмоқчи бўлса, иблис аскарларини чақиради. Шунда асаларилар амирининг олдида жамлангандек, улар ҳам жамланишади. Шунинг учун масжид эшиги олдида келганингизда: «Аллоҳумма, инни аъузу бика мин иблійса ва жунудих» (Аллоҳим, иблисдан ва унинг аскарларидан Сендан паноҳ тилайман), денглар. Шунда шайтон зарар бермайди».**

Ибн Сунний ривоят қилган.



1857. Яхши хулқ ва одоб зайтун дарахтига ўхшайди – тез ўсмаса ҳам, узок яшайди.



1858. Инсоннинг жавҳари уч хил бўлади:

1. Одамлар мени бой деб ўйласин деб, камбағаллигини яширади.
2. Одамлар мени рози деб ўйласин деб, ғазабини яширади.
3. Одамлар мени фаровон яшайпти деб ўйласин деб, қийинчилигини яширади.



1859. Намоздан йироқлашсанг, билиб қўй, ҳаётингдан роҳат ва барака йироқлашибди!



1860. Имом Шофезий роҳимаҳуллоҳ:

Ўам-ғусса ва қийинчилик етган пайтда одамлар сизни ташлаб қўйишса, билинги, ишларингизнинг бошқарувини Аллоҳ Ўз зиммасига олишни хоҳламоқда деганлар.

□Аллоҳнинг Ўзи етарли вакилдир□(Нисо сураси, 132-оят).



1861. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

«Ким азон эшитганда «Аллоҳумма, Робба ҳазиҳид-даъватит-тааммаҳ, вас-солаатил қоимаҳ. Аати Муҳаммаданил васийлата валфазийла, вабъасху мақомам маҳмууданиллазий ваъадтах» (Эй ушбу комил дуонинг ва қоим бўлган намознинг эгаси Аллоҳим! Муҳаммадга васила ва фазилат бер, у зотни ваъда қилган мақтовли мақомингда тирилтир) деса, унга шафоатим ҳосил бўлади».

Имом Бухорий ривоят қилган.

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Муаззиннинг азон айтаётганини эшитсангиз, унинг айтганини такрорлаб туринглар. Кейин менга салавот айтинглар. Ким менга бир салавот айтса, Аллоҳ таоло унга ўн салавот айтади. Кейин менга Аллоҳдан васила сўранглар. У жаннатдаги бир макондир. У макон Аллоҳнинг бандаларидан бирига насиб этади. Умид қиламанки, ўша банда мен бўламан. Ким менга васила сўраса, унга шафоатим насиб бўлади».**

Имом Муслим ривоят қилган.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Муаззин «Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар» деганда эшитувчи ҳам «Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар» деса, «Ашҳаду аллаа илааҳа иллаллоҳ» деганида у ҳам «Ашҳаду аллаа илааҳа иллаллоҳ» деса, «Ашҳаду анна Муҳаммадар росулуллоҳ» деганида у ҳам «Ашҳаду анна Муҳаммадар росулуллоҳ» деса, «Ҳайя ғалас-солах» деганида «Лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаах» деса, «Ҳайя ғалал фалаах» деганида «Лаа ҳавла ва лаа қуввата иллаа биллаах» деса, «Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар» деганида «Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар» деса, «Лаа илааҳа иллаллоҳ» деганида чин қалбдан «Лаа илааҳа иллаллоҳ» деса, жаннатга киради».**

Имом Муслим ривоят қилган.

Абу Умома розияллоху анхундан ривоят қилинади:

«Билол розияллоху анху иқоматда «Қод коматис солаҳ»га етганда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «**Ақомаҳаллоху ва адамаҳа**» (Аллоҳ уни қоим қилсин, доим қилсин), дер эдилар. Иқоматнинг бошқа лафзларини ҳам азонники каби такрорлар эдилар».

Абу Довуд ривоят қилган.



1862. Юрак сиқилишининг сабаблари:

- Аллоҳдан юз ўгириш.
- Қалбнинг Аллоҳдан бошқага боғлиқ бўлиши.
- Аллоҳнинг зикридан ғафлатда қолиш.
- Намозни вақтидан кечиктириш.



1863. Яхши кўрган кишингни кўрсанг, табассум қил, шунда у муҳаббатингни ҳис этади. Душманингни кўрсанг ҳам табассум қил, у кучингни ҳис этади. Танимаган кишингни кўрсанг ҳам табассум қил, ажр-савоб оласан...



1864. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бу дунёда одамларни азоблайдиганларни Аллоҳ у дунёда азобга гирифтор қилади», дедилар.
Имом Муслим ривоят қилган.



1865. Аллоҳнинг Китоби ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига эргашиш орқалигина бахт-саодатни топиш мумкин, холос.



1866. Саъд ибн Абу Ваққос розияллоху анхудан ривоят қилинади:
«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: **«Ким муаззинни эшитганда «Ашҳаду аллаа илааҳа иллalloҳ, ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳ, ва анна Муҳаммадан ʼабдуҳу ва росуулуҳ. Розийту биллааҳи Роббан, ва би Муҳаммадин соллalloҳу алайҳи васаллама росуулан, ва бил-Ислами дийна»** (Ёлғиз Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқлигига, Унинг шериги йўқлигига, Муҳаммад соллalloҳу алайҳи васаллам У Зотнинг бандаси ва элчиси эканига гувоҳлик бераман. Аллоҳни Робб деб, Муҳаммад соллalloҳу алайҳи васалламни Расул деб, Ислomни дин деб розим бўлдим) деса, гуноҳлари кечирилади».

Бошқа ривоятда: **«Ва ана ашҳаду»**, деса», дейилган.

Имом Муслим ривоят қилган.



1867. Инсу жиндан етадиган ёмонликлардан сақланиш учун зикрлар либосини кийинглар. Кечаю кундузги гуноҳлар ўчирилиши учун руҳингизни истиғфорга бурканг.



1868. Одамлар бир кишини мақташса, буни озчилик тасдиқлайди. Лекн ёмонлашса, буни ҳамма уни тасдиқлайди.



1869. Тун жуда узун. Сен уни уйқунг билан янаям қисқартириб юборма. Ярим тунда ўқилган икки ракъат (таҳажжуд намози) дунё ва ундаги ҳамма нарсадан яхшироқ!



1870. Ўқинма! Аллоҳнинг зикрини унуттирадиган неъматлардан Аллоҳга яқин қиладиган машаққат афзал!



1871. Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайхи васаллам шундай дедилар: **«Ким жума куни тонгда бомдод намозидан олдин: «Астағфируллоҳаллазии лаа илааҳа илла хувал ҳаййул қоййум ва атуубу илайх» (Аллоҳга истиғфор айтаман. Тирик ва Қайюм сифатли Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ) деб уч марта айтса, агар гуноҳи денгиз кўпиғича бўлса ҳам Аллоҳ таоло кечириб юборади».**

Ибн Сунний ривоят қилган.



1872. Аллоҳдан узоқ ҳолингда бахтли ҳаёт сўрама!



1873. Пайғамбарларнинг дуоларидан:

Одам алайҳиссалом ва Ҳавво: «Роббимиз, биз ўзимизга зулм қилдик. Агар бизни мағфират қилмасанг ва бизга раҳм қилмасанг, албатта, зиён кўрганлардан бўламиз», дейишди (*Аъроф сураси, 23-оят*).

Юнус алайҳиссаломнинг дуолари:

«Зуннунни эсла. Ўшанда у ғазабланган ҳолда чиқиб кетган эди. У Бизни ўзига (*ер юзини*) тор қилиб қўймайди, деб гумон қилди. Зулматларда туриб, «Сендан ўзга илоҳ йўқ, Сен поксан! Мен золимлардан бўлдим», деб нидо қилди» (*Анбиё сураси, 87-оят*).

(Зуннун – Юнус алайҳиссаломдир. «Нун» балиқ, «Зуннун» эса балиқ соҳиби дегани. Юнусни алайҳиссаломни денгизда улкан балиқ ютиб юборган, кейин қирғоққа келиб, Аллоҳнинг амри билан чиқариб ташлаган. Шунинг учун у зот Зуннун – балиқ соҳиби деб аталганлар.

Юнус алайҳиссалом қавмларининг қилмишларидан ғазабланиб, юртларини ташлаб чиқиб кетдилар. Уламоларимизнинг айтишича, аслида у киши бошиқа пайғамбарларга ўхшаб қавмнинг осийлигига сабр қилишлари, Аллоҳнинг амрини қутишлари керак эди. Аммо бундай қилмадилар, қавмларига зарда қилиб, юртларидан чиқиб кетдилар. Сўнгра Аллоҳ таоло у зотни балиққа юттириб, синовга учратди. Ана шунда «зулматларда туриб», яъни кеча зулмати, денгиз ости зулмати ва балиқ қорни зулматида туриб, Аллоҳ таолога ёлбориб, «Сендан ўзга илоҳ йўқ, Ўзинг поксан, мен золимлардан бўлдим», деб нидо қилди»)

Закариё алайҳиссаломнинг дуолари:

«Шу чокда Закариё Роббига дуо қилиб, «Роббим, менга Ўз ҳузурингдан яхши зурриёт бергин. Ахир Сен дуони эшитувчисан», деди» (*Оли Имрон сураси, 38-оят*).

Нух алайҳиссаломнинг дуолари:

«У деди: «Роббим, билмаган нарсамни Сендан сўрамоқдан паноҳ тилайман. Агар мени мағфират қилмасанг ва менга раҳм кўрсатмасанг, зиён кўргувчилардан бўламан» (Худ сураси, 47-оят).

Сулаймон алайҳиссаломнинг дуолари:

«У деди: «Роббим, мени мағфират қилгин ва менга ўзимдан кейин ҳеч кимга насиб бўлмайдиган мулк ҳадя этгин. Албатта, Сен кўплаб атоларни бергувчисан» (Сод сураси, 35-оят).

Мусо алайҳиссаломнинг дуолари:


«У деди: «Роббим, менга берган неъматинг ҳаққи-хурмати, ҳаргиз жиноятчиларга ёрдамчи бўлмасман» (Қасос сураси, 17-оят).

Набийимиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг дуолари:

«Роббим, мағфират қил, раҳм қил. Ўзинг раҳм қилгувчиларнинг яхшисисан», деб айт» (Мўминун сураси, 118-оят).



1874. Ўзингни бир сарҳисоб қилиб кўрсанг, сўрамасанг ҳам Аллоҳ сенга кўп нарсаларни ато қилганини биласан.



1875. Ҳақиқат ойдинлашган сари унинг душманлари ҳам кўпайиб боравради.



1876. Саъд ибн Абу Ваққос розияллоху анху айтади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам намозни бошлаган эдилар. Бир киши намозга келди. У сафга тургач, «Аллоҳумма, аатинии афзола маа туътий ъибаадакас-солиҳийн» (Аллоҳим, менга солиҳ бандаларингга берадиганларингнинг энг афзалини бер), деди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам намозни тугатганларидан сўнг, «Боя гапирган ким?» дедилар. Ҳалиги одам: «Мен, ё Расулуллоҳ», деб жавоб берди. Шунда Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Отинг ўлади, ўзинг Аллоҳ йўлида шаҳид бўласан», дедилар.

Ибн Сунний ва Насайй ривоят қилган.

Имом Бухорий бу ривоятни ўзларининг «Тарих» китобларида, Муҳаммад ибн Муслимнинг таржимаи ҳолида келтирганлар.



1877. Унутма, кўрган ҳар бир нарсанг нисбийдир. Кимдир ўзи учун мутлақо бефойда деб ҳисоблаган нарса кимдир учун умрининг мазмуни бўлиши мумкин.



1878. Бомдод намозини вақтида ўқийдиганлар муваффақиятга эришган, юзлари порлоқ, пешоналари ярқираган, вақтлари баракотли кишилардир.



1879. Кўп нарсага эга бўлса ҳам, уни оз қилиб кўрсатадиган одам ишончлидир. Оз нарсага эга бўлса ҳам, уни кўп нарсани кўрсатадиган одам мақтанчоқ кимсадир.



من أقوال سماحة الشيخ أحمد كفتارو
(يرحمه الله)
يقول تعالى: (إن الذين كفروا ينفقون
أموالهم ليصدوا عن سبيل الله)
فهل ينفق الذين آمنوا أموالهم
ليرشدوا إلى سبيل الله؟

1880. Фазилатли шайх Аҳмад Кофтару роҳимаҳуллоҳнинг сўзларидан:
Аллоҳ таоло: «**Куфр келтирганлар молларини Аллоҳнинг йўлидан тўсиш учун сарфларлар**» деган (*Анфол сураси, 36-оят*).
Хўш, иймон келтирганлар молларини Аллоҳнинг йўлига бошлаш учун сарфлашяптими?



1881. Абу Малих отасидан ривоят қилади:

«Отам бомдоднинг икки рақъат суннатини ўқиётган эканлар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бомдоднинг икки рақъат суннатини у кишининг ёнларида енгил ўқиб, сўнг мана бундай дуо қилган эканлар: **«Аллоҳумма, Робба Жибрийла ва Исрофийла ва Миикайла ва Муҳаммадинин-Набиййи соллаллоҳу алайҳи васаллам, аъузу бика минан-наар»** (Эй Жаброил, Исрофил, Микоил ва Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Робби Аллоҳим, Сендан дўзахдан паноҳ сўрайман).

«Аъузу бика минан нар»ни уч марта айтган эканлар».

Ибн Сунний ривоят қилган.



1882. Руҳий изтироб (депрессия) икки хил нарсага сабаб бўлади: ё сизни барбод қилади, ё енгилмас, кучли шахсга айлантиради. Қай бирини танлаш ўзингизга ҳавола.



1883. Ўтган хатолардан ибрат олмайдиганларнинг пешонасига иккинчи марта ҳам хато қилиш ёзиб қўйилган.



1884. Жаҳолат шундай бир дарахтки, ундан барча ёмонликлар ўсиб чиқади.



1885. Ҳақиқий банда ўзини ибодатларда камчиликка йўл кўювчи деб билади. Ким Аллоҳни таниса, ўзини танийди. Нафсни таниш уни айни нуқсонда деб билишдир.



1886. Оиша онамиз розияллоху анҳодан ривоят қилинади:
«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам намозни бошласалар,
**«Субҳаанакаллоҳумма ва биҳамдик, ва табаарокасмуқ, ва таъаала жаддук,
ва лаа илааҳа ғойрук»** (Аллоҳим, Сени ҳамдинг ила поклайман. Исминг
муборакдир, азаматинг олийдир. Сендан бошқа илоҳ йўқ) дер эдилар.
«Сунан» соҳиблари ривоят қилишган.



1887. Ҳаётни ростдан ҳам яхши кўрасанми? Ундай бўлса вақтингни беҳуда ўтказма. Вақт ҳаётнинг мазмун-моҳиятидир.



1888. Ҳар қандай идишга бир нарса солсанг, тораяди. Лекин илм идишига қанча нарса солмагин, кенгайиб бораверади.

Али ибн Абу Толиб



1889. Вақтим, ишим баракали бўлсин десанг, тиқилинч фурсатларинг орасида ҳам Қуръон ўқишга вақт ажратиб қўй!



1890. Ибн Қойюм айтади:
«Сидқ, яъни ростгўй бўлиш худди улкан тоғни кўтариб юришга ўхшайди.
Уни кўтариш фақатгина қасди мустаҳкам зотларнинг қўлидан келади».



1891. «Субҳаана роббийал ъазийм» (Улуғ Роббим покдир) деб, уч марта
рукуъ зикрларини айтади.



1892. «Бунинг иложи йўк» деган гап ожизларнинг ақлига жойлашиб олган бўлади...



1893. Ҳаётни нотўғри тушуниб оламиз-да, кейин «Ёлғончи дунё», деймиз.



1894. Агар қалб тоат нури билан ярқираса, уни ҳар томондан яхшиликлар булути ўраб кела бошлайди. Эгаси эса бир тоатдан иккинчи тоатга кўчиб бораверади.



1895. Бир куни машинада баланд овозда мусиқа эшитаётган йигитлар олдимдан ўтиб қолишди. Ақлимга суяниб, «вақтини беҳудага сарфлайдиган ақлсиз йигитлар экан», дедим. Сал ўтмай йигитлардан бири кўча супуриб юрган бир камбағални ёнига чақириб, унга садақа берди. Ҳайрон қолдим. Ўзимга ўзим: «Билмай туриб улар ҳақида хулоса чиқарибман», дедим.


Хулоса: «Роббимизнинг нимадан рози бўлишини ёки нимадан ғазабланишини билмаймиз. Эҳтимол, диндор кўриниб юрган кишининг Аллоҳ ғазаб қиладиган яширин гуноҳи бордир? Эҳтимол, гуноҳкор одамнинг Аллоҳ рози бўладиган махфий яхшилиги бордир?

(Фақат илтимос, савоб ишлар қилиб юрсак, шариат қайтарган ишларниям қилса бўлаверар экан-да, деб тушуниб қолманг. Тарж).



1896. Расулulloҳ соллаллоху алайхи васаллам дедилар: «Бирортангиз сажда қилса, камида уч марта «Субҳаана роббийал аълаа», десин».

Сунан китобларида ривоят қилинган.



1897. Ҳадеб қийинчиликни ўйлайверсанг, ўша қийинчилик бошинга тушади. Яхшилик ҳақида ўйлаверсанг, тезда ўша яхшилик ҳам келади. Бу худди гипнозга ўхшайди.

Масалан, «Ухладим, ухладим», деяверсанг, ухлаб қоласан. «Мен касал бўлдим» деяверсанг, касалликка чалинасан. «Шифо топдим» деяверсанг, шифо топасан. «Куним битди» деяверсанг, охирлаб қоласан. Ироданинг аланга мисол сеҳри барча нарсани рўёбга чиқаради.

Доктор Мустафо Маҳмуд



1898. «Лаа илааха иллаллох» калимаси қалбларнинг табиби бўлиб, унинг нури ғайбларнинг сиридир. Унинг зикри эса гуноҳларни маҳв этиб, ўчиради.



1899. Вақтнинг ўзи табибдир (*Вақт ҳамма нарсанинг давоси*).*

* *Вақт ўтган сари моддий ва маънавий жараҳатлар йўқолиб бораверади.*

حين قال يعقوب عليه السلام :
وأخاف أن يأكله الذئب
فقد يوسف وفقد بصره

وحين قال :
وأفوض أمري إلى الله
عاد إليه يوسف وعاد
بصره
اللهم إني فوضت
أمري إليك

1900. Яъқуб алайҳиссалом: «Юсуфни бўри еб кетишидан қўрқаман», деган эдилар, ўғиллари Юсуф алайҳиссаломдан ҳам, кўзларидан ҳам айрилиб қолдилар. «Ҳамма ишни Аллоҳга солдим», деган эдилар, Юсуф алайҳиссалом ҳам қайтиб келдилар, кўзлари ҳам очилди.

Аллоҳим, ҳамма ишни Ўзингга солдим!



1901. «Аллоҳумма, иннаа настаъийнука ва настаҳдийк, ва настағфирука ва натуубу илайк, ва ну`мину бик, ва натаваккалу ʼалайк, ва нуснии ʼалайкал хойро куллах. Нашкурука ва лаа накфурук, ва нахлаъу ва натруку май йафжурук. Аллоҳумма, иййаака наъбуду ва лака

нусолли ва насжуд, ва илайка насъаа ва наҳфид, наржуу роҳматак, ва нахшаа ʼазаабак. Инна ʼазаабакал жидда билкуффаари мулҳик» (Аллоҳим, Сендан ёрдам, ҳидоят, мағфират сўрайман. Сенга тавба қилдим, иймон келтирдим ва Ўзингга суяндим. Сени яхшиликларнинг барчаси билан сифатлаймиз. Сенга шукр қиламиз, ношукрлик қилмаймиз. Сенга фожирлик қилганлардан четлашамиз. Аллоҳим, Сенга ибодат қиламиз, намоз ўқиймиз ва сажда қиламиз. Сенинг йўлингда саъй-ҳаракат қилиб, раҳматингдан умид қиламиз. Азобингдан қўрқамиз. Албатта, ҳақ азобинг кофирларга рўпара қилинажак).

Ибн Абу Шайба ривоят қилган.



1902. Қатъиятли, тамойилли зотлар юз йиллаб яшайди. Манфаат бандалари эса юз марталаб ўлади.



1903. Шароит туфайли хаёлингга ҳам келмаган ишни бажаришга мажбур бўлишинг таназзулга юз тутишинг, кулашнинг аломатидир.



1904. Ғариблик тайёрагоҳ ҳам эмас, сафархалта ҳам эмас. Ғариблик бир руҳиятдир, минглаб одамлар орасида бўла туриб, танҳолик самосида учишдир.



1905. Иброҳим Фуқий айтади:
«Аллоҳга боғланиш муваффақиятга эришишнинг дастлабки илдизидир. У куч-қувват ва интилишга асосий турткилардандир».



1906. Ибн Масъуд розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам шундай дер эдилар: «**Ат-таҳиййаату лиллааҳи вас-солаваату ват-тоййибаат. Ассаламу ʼалайка айюҳан-Набиййу ва роҳматуллоҳи ва барокаатуҳ. Ассаламу ʼалайнаа ва ʼалаа ʼабаадиллааҳис-солиҳийн. Ашҳаду аллаа илааҳа иллаллоху ва ашҳаду анна Муҳаммадан ʼабдуху ва росуулух**» (Саломлар, дуолар ва барча яхшиликлар Аллоҳ учундир. Эй Пайгамбар, Сизга салом ва Аллоҳнинг раҳматию баракоти бўлсин! Бизларга ва Аллоҳнинг солиҳ бандаларига ҳам салом бўлсин. Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ деб гувоҳлик бераман, Муҳаммад Аллоҳнинг бандаси ва расули деб гувоҳлик бераман).

Имом Бухорий ва Муслим ривоят қилган.



1907. Бирор мусибатга дучор бўлсангиз, тилда айтишдан олдин қалбингизда «**Ва уфаввизу амри илаллоҳ. Инналлоҳа басийрум билъйбад**» (Ишимни Аллоҳнинг Ўзига топширдим. Аллоҳ бандаларини аниқ кўриб тургувчидир), деб айтинг.



1908. Бир киши сенга қўполлик билан насиҳат қилса, ундан алоқани узма, унинг мулоҳазасидан фойда ол. Зеро, унинг қўполлиги ортида чуқур муҳаббат бор. Уйғотувчи соатни синдирма, чунки унинг сени уйғотганидан бошқа айби йўқ...

من أقوال عمر بن الخطاب رضى الله عنه :
" لا يترك الناس شيئاً من أمر دينهم
لاستصلاح دنياهم إلا فتح الله عليهم
ما هو أضر منه "
صدق من سماك الفاروق

1909. Умар ибн Хаттоб ҳикматларидан:
«Одамлар дунё ишларининг ислоҳи учун дин ишларини тарк қилсалар, Аллоҳ улар учун бундан ҳам зарарлироқ нарсани очиб қўяди».
Сизни Форук, яъни ҳақ билан ботилни фарқловчи деб атаган зот ҳақ сўзлабдилар!



1910. Гоҳида қалбингга етган жароҳат қалбингга нур киришига сабаб бўлувчи дарча бўлиши ҳам мумкин.

Аввал ҳам, кейин ҳам Аллоҳга ҳамд бўлсин!




1911. «Аллоҳумма, солли ʔалаа Муҳаммадин ва ʔалаа аали Муҳаммад, камаа соллайта ʔалаа Иброҳийма ва ʔалаа аали Иброҳийм, иннака ҳамийдум мажийд. Аллоҳумма, барик ʔалаа Муҳаммадин ва ʔалаа аали Муҳаммад, камаа баарокта ʔалаа Иброҳийма ва ʔалаа аали Иброҳийм, иннака ҳамийдум мажийд» (Аллоҳим, Иброҳим алайҳиссаломни ва у зотнинг оилаларини яхшилик ва раҳматда қилганинг каби, Муҳаммад алайҳиссаломни ва у зотнинг оилаларини ҳам яхшилик ва раҳматда қил. Албатта, Сен мақтовли улуг зотсан. Аллоҳим, Иброҳим алайҳиссаломни ва у зотнинг оилаларини баракотли қилганингдек, Муҳаммад алайҳиссаломни ва у зотнинг оилаларини ҳам баракотли қил. Албатта, Сен мақтовли улуг зотсан).



1912. Одамлар тўлқинга ўхшайди. Улар билан бирга юрсанг, чўктириб юборишади, карама-қарши юрсанг, чарчатишади.



1913. Ҳаёт сабоқлари бепул. Фақат дарсларни яхшилаб ўзлаштирсанг бас!



1914. Фазилатли жуфт кидиришдан олдин ўзингиз фазилатли бўлишга ҳаракат қилинг. Куртак гул бўлиб очилмагунча мева ҳосил бўлмайди.

Доктор Мустафо Маҳмуд



1915. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уммат ичида бўлишлари уммат учун ихтилоф ва фирқачилик фитнасидан омонлик бўлган. Шунинг учун саҳобалар бу неъматнинг қадрини билиб, у зотнинг ўлимларидан даҳшатга тушишган...



1916. Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Бирортангиз охириги ташаххудни ўқиб бўлса, тўрт нарсадан паноҳ сўрасин: жаҳаннам азобидан, қабр азобидан, ҳаёт ва ўлим фитнасидан, масих дажжолнинг ёмонлигидан», дедилар.

Имом Муслим ривояти

Имом Муслимнинг бошқа бир ривоятларида шундай дейилган: «Бирортангиз ташаххудда бўлса, тўрт нарсадан паноҳ тиласин: «Аллоҳумма, инни аъузу бика мин ъазааби жаҳаннама ва мин ъазаабил қобр, ва мин фитнатил махйаа вал мамаат, ва мин шарри фитнатил масийҳид дажжал».



1917. Сенда Аллоҳнинг икки неъматидан бор!

1. Зикр учун кенгчилик.
2. Покланиш учун танглик.

Кенглик пайтида шукр қилувчи, танглик пайтида сабр қилувчи банда бўл!



1918. Гўзал лавҳа

Ҳасан Басрий роҳимахуллоҳга: «Фалон киши Қуръонни ёд олиб, муҳофаза қилиб юрибди», дейишди. У зот: «Йўқ, у Қуръонни эмас, балки Қуръон уни муҳофаза қилиб, сақламоқда», дедилар.



1919. Дарғазаб бўлишдан, қайсарлик қилишдан четланинг!

Бўрон эгилувчан дарахтларнинг устидан ўтиб кетади, аммо қайсар дарахтларни суғуриб ташлайди.



1920. Роҳат худди саробга ўхшайди. Унга қанчалик яқинлашсак, шунчалик йироқ бўламиз. Ҳақиқий роҳатга фақат жаннатдагина етишамиз. Роҳат қидиришни жаннатга қолдирақолайлик.



1921. Оиша онамиз розияллоху анҳодан ривоят қилинади:
«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам намозда шундай дуо қилар эдилар: «Аллоҳумма, иннии аъузу бика мин ъазабил қобри ва аъузу бика мин фитнатил масийҳид дажжаал, ва аъузу бика мин фитнатил маҳйаа вал мамаат. Аллоҳумма, инний аъузу бика минал ма`сами вал мағром» (Аллоҳим, қабр азобидан, масиҳ дажжолнинг фитнасидан, ҳаёт ва мамот фитнасидан, гуноҳкор ва қарздор бўлишдан паноҳ тилайман).

Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари.

Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоят қиладилар:

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоху анху айтади: «Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам одамларга ташаххудни ўргатиб, ундан кейин хоҳлаган дуони ўқишни айтдилар».

Имом Муслим ривоятларида: «У зот хоҳлаган нарсаларини сўрардилар», деб айтилган.



1922. Ҳасадчининг учта аломати бор: Дўсти ёнида бўлмаса, уни ғийбат қилади. Ёнида бўлса, тилёғламалик қилади. Унга мусибат етса хурсанд бўлади.

Луқмони ҳаким



1923. Қушнинг ризки унинг уясига келиб қолмайди. Шернинг овқати унинг инига келтириб берилмайди. Чумолининг емиши унинг масканига олиб келинмайди. Буларнинг барчаси ризкни излайдилар, қидирадилар. Сен ҳам улар талаб қилганидек талаб қилсанг, улар топганидек топасан.



1924. Нима учун Айюб алайҳиссалом сабр қилдилар?
Нима учун Марям онамиз фарзандини одамларнинг олдига кўтариб чиқдилар?
Нима учун Иброҳим алайҳиссалом оловдан қўрқмадилар?
Нима учун Набиййимиз алайҳиссалом ғорда ғам чекмадилар?
Чунки улар Аллоҳдан фақат яхши гумонда бўлдилар!



1925. Аллоҳнинг зикри қалблар учун муздек шабададир.



1926. Али розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам намозга турсалар, ташаххуд билан саломнинг орасида (яъни, салавотдан кейин) ушбунни ўқир эдилар: **«Аллоҳуммағфирлий маа қоддамту ва маа аххорт, ва маа асрорту ва маа аълант, ва маа асрофту ва маа анта аъламу биҳи миннии, антал муқоддим ва антал муаххир, лаа илааҳа илла ант»** (Аллоҳим, аввалу охир, ошкораю махфий ва исрофгарчилик билан қилган гуноҳларимни, Ўзинг билган гуноҳларимни кечир. Албатта, Сен аввалги ва охиргидирсан, Сендан бошқа илоҳ йўқ).

Имом Муслим ривоят қилган.



1927. Ажойиб ақлнинг ўзи кифоя қилмайди. Уни тўғри ишлата олиш ҳам керак.

قسوة القلوب

قال رسول الله صلى الله عليه وسلم :

" لا تكثروا الكلام بغير ذكر الله فإن كثرة الكلام بغير ذكر الله قسوة للقلب ، وإن أبعد الناس من الله القلب القاسي "

رواه الترمذي

(القلب يمرض كما يمرض البدن، وشفاهه في التوبة، والحمية،

ويصدأ كما تصدأ المرأة، وجلأوه بالذكر،

ويعري كما يعري الجسم وزينته التقوى،

ويجوع ويظمأ كما يجوع البدن، وطعامه

وشرايه المعرفة والمحبة، والتوكل، والإنابة، والخدمة)

كما قال مالك بن دينار رحمه الله:

" ما ضرب عبد بعقوبة أعظم من قسوة القلب ،

وما غضب الله على قوم إلا نزع الرحمة من قلوبهم "

1928. Қалблар қорайшининг сабаблари

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Аллоҳнинг зикридан бошқа гапни кўпайтирманглар. Аллоҳнинг зикридан бошқа гапни кўпайтириш қалбнинг қорайиш сабабларидандир. Аллоҳдан энг узоқ одам қалби тош қотган одамдир».

Имом Термизий ривояти.

Шарҳ: Тана касал бўлгани каби, қалб ҳам касалланади. Бироқ унинг шифоси тавба ва парҳездир. Қалб ҳам худди ойна занглагандек занглайди. У зикр билан жилоланади. Бадан яланғоч қолганидек, қалб ҳам яланғоч бўлади. Унинг зийнатли пардаси такводир. Бадан очикиб, чанқагани каби, қалб ҳам ана шу ҳолга тушади. Унинг таоми ва ичимлиги Аллоҳнинг маърифати, У Зотга бўлган муҳаббат, таваккул, Аллоҳга қайтиш ва У Зотнинг йўлида хизмат қилишдир.

Молик ибн Динор айтганларидек, банда учун қалбнинг тошдек қотишичалик улкан мусибат бўлмайди. Аллоҳ бир қавмга ғазаб қилса, уларнинг қалбларидан раҳм-шафқатни тортиб олади.



1929. Қалбингда Аллоҳга таквонинг миқдорини билмоқчи бўлсанг, ёлғиз қолганиндаги ҳолатингга қара.

أيها الفقير والعقيم والسجين والمهموم أكثر
من الاستغفار، وأدمن الاستغفار، والهج
بالاستغفار وسوف ترى النتائج.

1930. Эй камбағал, бепушт, маҳбус ва ғамга ботган кимса! Истиғфorni кўпайтир, уни узлуксиз, бардавом айт, шунда натижасини кўрасан.




1931. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анху Абу Бакр Сиддик розияллоҳу анхундан ривоят қилади:

«Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан намозда ўқиб юриш учун бир дуо ўргатишни сўрадим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Аллоҳумма, инний золамту нафсии зулман касийрон, ва лаа йағфируз зунууба илла ант, фағфирли мағфиратан мин ьиндик, вархамний иннака антал ғофурур роҳийм»** (Аллоҳим, мен нафсимга кўп зулм қилдим. Гуноҳларни Сендан бошқа ҳеч ким кечира олмайди. Ўзингнинг ҳузурингдан бўлган мағфират ила гуноҳларимни кечир ва менга раҳм қил. Албатта, Сен кечиргувчи ҳамда раҳмли зотсан) **дегин»**.

Имом Бухорий ва Муслим ривоят қилган.



1932. Имом Шофeъий айтдилар:
«Хар тонг инсондан саккиз нарса талаб қилинади:
Аллоҳ таоло фарз талаб қилади;
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам суннат талаб қиладилар;
Замон ўтишни талаб қилади;
аҳли аёл ризқ талаб қилади;
котиб фаришталар тилингдан чиққанини ёзиб боришни талаб қилади;
шайтон гуноҳ талаб қилади;
нафс шаҳват талаб қилади;
ўлим фариштаси жонни талаб қилади».



1933. Сенга нисбатан кек сақлаб, сени ёмон кўриб юрган одам йўкми, демак, сен муваффақиятсиз одам экансан! (Чунки муваффақиятга эришсанг, ҳасад қилувчи кимса топилшиши аниқ)



1934. Бу кунлар Аллоҳнинг бизга тақдир қилганидир. Беговта бўлиб, бундан хавфга тушаверма!



1935. Қалбинг ғам-ғуссага ботган бўлса, уни саждалар билан суғуриб ташлаб, йўқотиб юбор!



1936. Абу Солих Заквон розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам бир кишига: «**Намозда қандай дуо қиласан?**» деб сўрадилар. Ҳалиги киши: «Ташаххудни ўқиб, кейин «Аллоҳумма, иннии ас`алукал жанната ва аъузуз бика минан-нар» (Аллоҳим, Сендан жаннат сўрайман, дўзахдан паноҳ тилайман), дейман. Лекин сиз сўраганингиздек, паноҳ тилаганингиздек гўзал қила олмайман», деди. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «**Шунга яқин қилиб сўрайвер**», дедилар.

Абу Довуд ривоят қилган.

Ҳар бир ҳолатда «Аллоҳумма, иннии ас`алукал ʼафва вал ʼафия. Аллоҳумма, иннии ас`алукал ҳудаа, ват-туко, вал ʼафаафа, вал ʼафина (Аллоҳим, мен Сендан афв ва офият сўрайман. Аллоҳим, мен Сендан ҳидоят, тақво, иффат ва бойлик (қаноат) сўрайман)», дейиш мустаҳабдир



1937. Ким Аллоҳга ишонса, Аллоҳ унга шодликни кўрсатиб қўяди. Ким Аллоҳга таваккул қилса, ишларига Унинг Ўзи кифоя қилади.



1938. Ҳар ким одамларни ўз қаричи билан ўлчайди.



1939. Агар Аллоҳ сен учун ғайбни очиб берса ҳам, сен фақат воқеъликни, яъни ҳозирги ҳолатингни танлаган бўлар эдинг. Мана шу нарса қаноатдир, уни қалбингнинг тўрига жойлаштир!



1940. Фарзандларингиз билан гаплашиб ўтиришга ҳам вақт ажратинг, чунки фарзандлар энг азиз дўстлардир. Уларга ҳам кулоқ тутинг, маслаҳатлашинг. Улар билан муҳим муаммолар ҳақида суҳбат қилинг.




1941. Саҳл ибн Саъд Соидий розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: **«Кимнинг намозида бирор ҳодиса юз берса, «Субҳаналлох» десин»,** дедилар.

Бошқа бир ривоятда: **«Агар бирор иш содир бўлса, эркаклар тасбиҳ айтсин, аёллар чапак чалсин»,** дейилган.

Яна бошқа бир ривоятда: **«Тасбиҳ эркаклар учун, чапак аёллар учун»,** дейилган.

Имом Бухорий ва Муслим ривоят қилган.



1942. Бир ҳаким зотдан: «Жим туриш билан ишнинг орасида нима алоқа бор?», деб сўрашди. У: «Жим туриб ишлашинг шарт, лекин ишинг жим туриш бўлмаслиги керак», деди.



1943. Ҳатто оғриқ туфайли ҳам ажр-савоб олар эканмиз. Аллоҳ таолога ҳамдлар бўлсин!



1944. Тилингни ҳар қанча дуога кимирлатсанг ҳам, билиб қўйки, У Зот сенга ато хоҳлаганини ато қилади, гарчи мақсадинг олий ва талабинг улкан бўлса ҳам.



1945. Оз биладиганлар кўп гапиреди. Кўп биладиганлар кам гапиреди. (Доно халқимиз «Чуқур дарё тинч оқиди» дейди).



1946. Савбон розияллоху анхудан ривоят қилинади:
«Расулуллоҳ соллаллоху алайхи васаллам намозни тугатсалар, уч марта «Астағфируллох» деб, сўнгра «Аллоҳумма, антас-салаам ва минкас-салаам, табаарокта, йаа зал жалаали вал икром ((Аллоҳим, Сен Саломсан ва салом Сенинг Ўзингдандир. Баракотлисан, эй улуғ ва ҳурматли зот!))», дер эдилар.
Имом Муслим ривоят қилган.




1947. Ноумидлик кўз ёшини умид рўмолчаси ила артиб, хаёт сўқмоқларини табассум-ла қарши ол!



1948. Аллоҳ азза ва жалла бутун муомала илмини учтагина жумлага мужассам қилган:

«Кечиримли бўл, яхшиликка буюр ва жоҳиллардан юз ўгир» (*Аъроф сураси, 199-оят*).



1949. Бахтсизликдан қутулишнинг бирдан-бир йўли – «Мен бахтлиманми, бадбахтми?» деб ўзингдан сўрайверишга вақт топмасликдир.



1950. «Ким Аллоҳга тақво қилса, У зот унинг учун (барча ғам-кулфатлардан) чиқиш йўлини пайдо қилур» (*Талоқ сураси, 2-оят*).



1951. Ҳақимлардан бири айтди:
Агар бирор кишига сирларингдан бирини айтсанг кунларнинг бирида ўзингга отиши учун бир камон ўқини ҳадя қилибсан!




1952. Дунё мандан юз ўғирди дема! Балки сен ўзинг унга тескари ўтириб олгандирсан?



1953. Гоҳида бир яхши нарсани йўқотиб қўйсанг, энди бу имконият қайтиб келмайди, дема! Бирдан ундан ҳам яхшироқ нарса келиб қолса, имконият қайтиб келмайди, деганингни унутасан.



1954. Бир китоб борки, уни ўзинг ёзгансан, лекин илк бор ўқиганингда хайрон қоласан. Бу – Қиёмат кунидаги китобингдир. Унга фақат яхшиликларни ёзиб бор!



1955. Эйнштейн: «Илм кўпайган сарим илмнинг етарли эмаслиги билиниб бораверади», деган экан. Мана шу ҳақиқий илмнинг бошланишидир. Бунинг натижаси Аллоҳга нисбатан одобдир.

Доктор Мустафо Маҳмуд



1956. Муғйра ибн Шўъба розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам намозни тугатсалар, куйидагиларни ўқир эдилар: «**Лаа илааха иллаллоху ваҳдаҳ, лаа шарийка лаҳ, лаҳул мулк ва лаҳул ҳамд, ва ҳува ʼалаа кулли шайʼин қодийр. Аллоҳумма, лаа мааниʼа ли маа аътойт, ва лаа муътийа лимаа манаът, ва лаа йанфаъу зал жадди минкал жадд**» (Ёлғиз Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Унинг шериги ҳам йўқ. Мутлақ мулк Уникидир, ҳамд ҳам Унгадир. У ҳар нарсага қодирдир. Аллоҳим, Сен берганни тўсувчи йўқ. Сен тўсганни берувчи йўқ. Даргоҳингда бойлик эгасига бойлик фойда бермас).

Имом Бухорий ва Муслим ривоят қилган.



1957. Муваффақиятга эришганларда режа, дастурлар бўлади, муваффақиятсизларда эса фақат баҳоналар бўлади.

يقول الامام أبو حامد الغزالي - رحمه الله - :
إن الأمر إِدء، والخطب جد،
والآخرة مقبلة، والدنيا مدبرة،
والأجل قريب، والسفر بعيد، والزاد طفيف،
والخطر عظيم، والطريق سد،
وما سوى الخالص لوجه الله من العلم والعمل
عند الناقد البصير رد،
وسلوك طريق الآخرة مع كثرة الغوائل من غير دليل ولا رفيق متعب ومكد..

1958. Абу Ҳомид Ғаззолий роҳимаҳуллоҳ айтадилар:

«Буйруқлар балодир, балолар эса жиддийдир. Охират яқинлашмоқда, дунё юз ўғирмоқда. Ажал яқин, сафар узоқ. Сафар тадориги оз, хатар улкан, йўл тўсиқ. Аллоҳ розилигидан бошқа мақсаддаги илм ва амал танқидчининг наздида мардуд, охиратга йўл олиш ёмонликлари кўп бўлиши билан бирга машаққат ва чарчоқлидир».



من لا يقدر
على جمع
الفضائل
فلنكن فضائله
ترك الرذائل،
ومن كان يؤمن
بالله واليوم الآخر
فليقل عيراً
أو ليصمتك

1959. Ким фазилат тўплай олмаса, разолатни тарк қилсин, шу унинг учун фазилат бўлади!

Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирса, ё яхшилиқни гапирсин, ё жим турсин!



1960. Хато ўринга бўлса ҳам яхшилик экавер, асло надомат чекмайсан. Яхшилик давом этаверади ва қачондир мева беради.




1961. Саъд ибн Абу Ваққос розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ҳар намоз сўнгида ушбу калималарни айтиб, паноҳ тилар эдилар: «Аллоҳумма, иннии аъузу бика минал жубн, ва аъузу бика ан арудда ила арзалил ғумуур, ва аъузу бика мин фитнатид дунйя, ва аъузу бика мин ғазаабил қобр (Роббим, қўрқоқликдан, умрнинг зое бўлишидан, дунё фитнасида ва қабр азобидан паноҳ тилайман)».

Имом Бухорий ривоят қилган.




1962. Ҳаётимиз денгиз ўртасидаги кемага ўхшайди. Курашиб, мақсад қилган манзилимизга етиб борамиз. Ёки таслим бўламиз-да, ҳаёт бизни ўзимиз билмаган томонга элтиб қўяди.



1963. Ким тарихни ўқиса, ҳеч қачон қалбига ноумидлик кирмайди. Бундай одам дунёда Аллоҳ таолонинг иродаси билан кунлар, одамлар алмашиб турганини кўради. Бойлар камбағал бўлади, камбағаллар эса бойга айланади. Кечаги кучсизлар бугун кучли бўлиб қолади. Кечаги султонлар бугунги бадарға бўлади. Қозилар айбланади, ғолиблар мағлуб бўлади. Фалак айланмоқда, ҳаёт эса тўхтамайди, ҳодисалар ҳам тўхтаб қолмайди. Одамлар тинмай мансаб курсиларини алмаштирамоқдалар. Ғам ҳам, хурсандчилик ҳам доимий эмас.

Доктор Мустафо Маҳмуд.



1964. Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: Ким жаноза ўқилмасидан аввал у ерга етиб борса, бир қийрот савоб олади. Ким дафн қилингунча ҳозир бўлса, унга икки қийрот савоб бўлади дедилар

Икки қийрот нима?дейишди.

Икки улкан тоққа ўхшаш нарса дедилар

Муттафақун алайҳ. Бошқа бир ривоятда:

Икковларидан кичиги Уҳудга ўхшаш дейилган.

Ибн Умар жаноза намозини ўқиб бўлиб, қайтиб кетар эдилар. У кишига Абу Хурайранинг юқоридаги ҳадисини айтишган эди, Жуда кўп қийротларни зое қилган эканмиз-да деди

Шарҳ: Ушбу ҳадисда жанозага эртароқ боришинг, жаноза намозини ўқишининг савоби катталиги, дафнда қатнашиши ҳам яна шунчалик савоб экани айтилмоқда.

Тогдек улкан савоб чакана нарса эмас. Албатта, бу неъмат жанозага савоб умидида қатнашишларгагина берилади. Жаноза ва дафнга бошқа ният, бошқа мақсад ёки сабаб билан борганларга эса ният, мақсад ёки сабаб берилади. Буни уламоларимиз алоҳида таъкидлаганлар, чунки бу маъно бошқа ҳадисларда ҳам ўз аксини топган.



1965. Бир одамнинг сен билан кўп гаплашишини, лекин бошқалар билан бундай қилмаётганини айтишса, билиб кўйки, у сен билан гаплашиб роҳатланаётган экан, сен бундай дўстни кўлдан бой берма!



1966. Муоз розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам менинг кўлларимдан ушлаб, «Эй Муоз, Аллоҳга қасамки, мен сени яхши кўраман. Сенга ҳар намоздан кейин «Аллоҳумма, аъинни ʼалаа зикрика ва шукрика ва ҳусни ʼибаадатик» (Аллоҳим, Сени зикр қилишда, Сенга шукр қилишда ва ибодатингни гўзал адо этишда менга ёрдам бер) деб айтишни тавсия қиламан», дедилар».

Абу Довуд ва Насай ривоят қилган.



1967. Солиҳ зотлардан бири кўп намоз ўқиганидан оёқлари шишиб кетарди. Шунда у оёғига уриб, «Эй ёмонликка буюрувчи! Сен фақат ибодат учун яратилгансан», дер эди.



1968. Одамларнинг қилган ишига ҳайронман. Улар хоҳлаганидек қила олмасанг, уларни лол қолдира олмайсан!



1969. Дунёнинг ғамлари кўп. Қанийди бор-йўқ ғам-ташвишингни охират ғамига айлантириб олсанг, қандай гўзал иш бўларди... Кимнинг ғами охират бўлса, Аллоҳ унинг ёлғизлигини йўқотади, ишини осон қилади, қалбини қаноатли қилиб қўяди.



1970. ..Хуллас, сигарета ғам-ташвишингни йўқота олмайди. Муסיқа ёки гитара ёки бошқа шунга ўхшаган маъсиятлар юрагингнинг эзилганини кетказа олмайди. Ғофиллар бу нарсаларни қалб жилоси деб ўйлашади. Ваҳоланки, булар зулматни, юракнинг ғамини ва хорликни кўпайтиради, холос.



1971. Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намозни тугатганларида «Аллоҳуммажъал хойра ʼумуури ахироҳу, ва хойро ʼамалий ховатимаҳу, важъал хойро айяами йавма алқоока (Аллоҳим, умримнинг энг яхши пайти унинг охири бўлсин, амалимнинг энг яхшисини хотимаси бўлсин, кунларимнинг энг яхшиси Сенга йўлиқадиган куним бўлсин)», дер эдилар.

Ибн Сунний ривоят қилган.



1972. Фотиҳа сураси Аллоҳнинг ғазабидан тўсади.
Ёсин сураси Қиёматдаги чанқоқликдан тўсади.
Мулк сураси қабр азобидан қутқаради.
Кавсар сураси хусуматдан тўхтатади.
Кафирун сураси ўлим пайтдаги куфрдан тўсади.
Ихлос сураси мунофиқликни йўқотади.
Фалақ сураси ҳасаддан тўсади.
ан-Наас сураси васвасадан тўсади.



1973. Асосий муаммоинг бекор кетказган йилларинг эмас. Сенинг муаммоинг келгусида, худди ўша тарзда дунё сенга кулиб боққанда сўзсиз зое кетадиган йилларингдир.



1974. Чекиш ман этилади!

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Зарар кўриш ҳам, зарар келтириш ҳам йўқ», деганлар.

Сен ўлмоқчи экансан, шу йўлни танлабсан. Сенинг танловингни ҳурмат қиламиз. Лекин сен ҳам бизнинг соғлом ҳаётни танлаганимизни ҳурмат қилгинда! Шундай экан, бу ерда чекиш мумкин эмас.



1975. Иймонингни Аллоҳ зикри билан қувватлантир!



1976. Абу Бакра розияллоху анхудан ривоят қилинади:
«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам намоз сўнгида «Аллоҳумма,
инни аъузу бика минал куфри вал фақри ва ъазабил қобр (Аллоҳим,
куфрдан, камбағалликдан ва қабр азобидан Сендан паноҳ тилайман)», дер
эдилар.

Ибн Сунний ривоят қилган.



1977. Айтган ҳар бир уят сўзингни фарзандинг ўрганади-да, узоқ йиллар давомида шахсиятининг бир қисмига айланади.



1978. Тўғри йўл ҳар доим энг қийини бўлади.



1979. Саҳобалар замонида ҳалолнинг йўлини осонлаштиришган, шунинг учун ҳаромнинг йўли қийинлашган. Ҳозир эса ҳалолнинг йўлини қийинлаштириб юборишди, оқибатда ҳаром осон бўлиб қолди.

سئل "أديسون" في أواخر حياته :
ما أسباب نجاحك ؟ فقال :



" القراءة الدائمة بلا انقطاع ، والعمل بلا يأس " .

1980. Эдисондан ҳаётининг охирида «Муваффақиятларингизнинг сабаби нима?» деб сўрашган. Шунда у: «Узлуксиз, бардавом китоб муголаа қилиб, ноумид бўлмасдан ишлаганим», деб жавоб берган.



1981. Абу Зарр розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар: «**Ким бомдод намозидан кейин, ҳали бошқа нарса гапирмай туриб, «Лаа илааҳа иллаллоху ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳ, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамд, йухйии ва йумийт, ва ҳува ʼалаа кулли шайʼин қодийр»** деб ўн марта айтса, унга ўнта яхшилик ёзилиб, ўнта ёмонлик ўчирилади ва ўн даражага кўтарилади. Шу куни ёмон кўрган нарсасидан сақланади. Шайтон унга яқинлаша олмайди. Шу куни бирорга гуноҳ ишга йўлиқмайди. Аллоҳга ширк келтириш бундан мустасно».

Имом Термизий ривоят қилган.

Билинги, кундузги зикр учун энг шарафли вақт бомдод намозидан кейинги зикрлар вақтидир.

Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади:

Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар: «**Ким бомдод намозини жамоат билан ўқиб, сўнг қуёш чиққунича Аллоҳни зикр қилса, кейин икки ракъат нафл намози ўқиса, худди тўлиқ ҳаж ва умра қилганнинг савобини олади».**

Имом Термизий ривоят қилган.



1982. Келажагим учун бошланғич мактабда ўқидим. Кейин: «Келажагинг учун ўрта мактабда ҳам ўқи», дейишди. Кейин: «Келажагинг учун лицейдаям ўқи», деб айтишди. Кейин: «Келажагинг учун бакалавриятда ҳам ўқи», дейишди. Кейин: «Келажагинг учун бир яхши иш топ», дейишди. Кейин:

«Келажагинг учун оила қур», дейишди. Кейин: «Келажагинг учун фарзандларни кўпайтир», дейишди. Мана, ёшим 77 га етганда ушбу сўзларни ёзипман. Мен ҳамон ўша келажакни кутиб яшаяпман. Энди билсам, ўша келажак буқани қувлаб етиш учун унинг бошига қўйилган бир парча қизил латта экан.

Аммо унга етиб бўлмас экан. Чунки келажакка етиб борилса, ҳозирга айланар экан. Ҳозир эса ўтмишга айланар экан. Сўнгра янги келажакка тўкнаш бўлинар экан.

Ҳақиқий келажак эса Аллоҳ таолонинг сендан рози бўлиши, дўзахидан омон қолиб, жаннатига киришинг экан.

(Изоҳ: Аслида буқа билан курашувчи тореадорлар кўлига қизил латта ушлаб олади. Қизил рангни кўрса, буқанинг қони қайнайди, дейишади. Унга етиб олиш учун эмас).



1983. Нега камбағалликдан қўрқасан, ахир сен ал-Ғаний, яъни ҳеч кимга ва ҳеч нарсага ҳожати тушмайдиган беҳожат Зотнинг бандасисан-ку!



1984. Япон ҳикмати:

«Бир йил ўйла, бир соат жим тур ва бир сония гапир».



1985. Илоҳим! Мени азоблама, мен ўзимнинг гуноҳларимга иқрорман. Одамлар мени яхши деб ўйлашади. Агар Сен мени афв қилмасанг, одамларнинг энг ёмони менман.



1986. Муслим ибн Ҳорис Тамимий розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам менга шивирлаб, «Шом намозини ўқиб бўлсанг, «Аллоҳумма, ажирний минан наар» (Аллоҳим, мени дўзахдан қутқар) деб етти марта айт. Шунини айтган кечангда вафот этсанг, сенга дўзахдан омонлик ёзилади. Буни бомдод намозида айтсанг ва шу куни вафот этсанг, сенга дўзахдан омонлик ёзилади», дедилар.

Абу Довуд ривоят қилган.



1987. Аллоҳга ҳақиқий таваккул қилсангиз, У Зот худди қорни оч кетиб, қорни тўқ қайтган қушни ризқлантирганидек, сизларни ҳам ризқлантирур.



1988. Гуноҳ ва маъсиятга дучор бўлиб қолган мусулмоннинг гуноҳини одамларга ёйма, чунки тавба эшиги очикдир! Ахир сен билмайсан, эҳтимол, Аллоҳ унинг гуноҳларини кечиб юборар? Агар Аллоҳ унинг гуноҳларини кечиб юборса, унинг айбларини ёйиб, гуноҳ орттирганинг қолади.



1989. «Алҳамдулиллаҳ»ни кўп айтиш бахт-саодатга эришиш йўлидаги нафс муолажасидир.



1990. Аллоҳ азза ва жалланинг ҳикмати шуни тақозо этадики, ким Аллоҳдан бошқани яхши кўрса, ўша нарса сабабли албатта азобланади.

Аллоҳим, Ўзингга бўлган муҳаббатни қалбимиз учун энг маҳбуб қил!



1991. Умму Салама розияллоху анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам субҳ намозида: «**Аллоҳумма, инний ас`алука ълман наафиъан, ва ъмалан мутақоббалан, ва ризқон тоййибан** (Аллоҳим, Сендан фойдали илм, мақбул амал, пок ризқ сўрайман)» дер эдилар».

Имом Аҳмад, Ибн Можа ва Ибн Сунний ривоят қилган.



1992. Гуноҳ ва маъсиятларнинг жазоси шуки, улар туфайли қалбнинг мағзи бўлмиш ҳаё барҳам топади. Зотан, ҳаё барча яхшиликнинг аслидир. Унинг барҳам топиши билан ҳамма нарса пучга чиқади.



1993. Қалбингга ҳикмат кириб, нафсингни Аллоҳнинг маърифати лаззатлантурса, ақл сени муҳофаза қилади, фаҳм ва идрок сенга ёрдамчи бўлади.



1994. Илми бор одам устунсиз ҳам уйлар қураверади. Жоҳил эса иззат ва шараф биноларини бузиб ташлайди.



1995. Ўзингдан рози бўлишдан ҳазир бўл, чунки бу сени танбалликка чорлайди. Ужбдан (ўзинга қойил қолишдан) ҳам эҳтиёт бўл, чунки бу сени аҳмоқликка чорлайди. Ғурурдан сақлан, чунки бунда камчиликларинг ҳаммага ошкор бўлади, ўзингга эса кўринмайди.



1996. Суҳайб розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам бомдод намозидан кейин лабларини кимирлатиб, бир нималар дер эдилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, бу айтаётган нарсангиз нима?» деб сўрадим. Шунда Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «**Аллоҳумма, бика уҳаавил, ва бика усовил, ва бика уқотил**» (Аллоҳим, Сенинг номинг билан ҳаракат қиламан, Сенинг номинг билан золиб бўламан ва Сенинг номинг билан жидду жаҳд қиламан) **деяпман**», дедилар».

Ибн Сунний ривоят қилган.



1997. Замон сенга кулиб боқмаса ҳам доимо ўзингни яхши тут. Бировлар сенга раҳм-шафқат қилганидан кўра (муаммони) яширганинг афзал.



1998. Касалликка чалинсак, шифокорга югурамиз. Аммо шифокор ҳам бу дардни даволай олмаса-чи? Афсуски, бундай пайтда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг васиятларини унутиб кўямиз. Ахир у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Касалларингизни садақа билан даволанглар», деганлар-ку!!!



1999. Бир кишининг хато қилаётганини унга айтмоқчи бўлсанг, унинг олдида ўша ишнинг тўғриси қилиб кўрсат.



2000. Ҳар бир нарса ўз вақтида бўлгани гўзал дейсизлар. Ҳа, ҳатто намоз ҳам ўз вақтида гўзал.